- Мени ёлғиз қолдирдингиз-ку, юрагим чиқиб кетса, нима бўлади?

- Кечиринг, аслида, биз кўрқалитган ҳеч нарса йўқ. Яна бир кишимиз бўлганида ташқарини назорат қиларди.

- Комронни бошлаб келсак бўларкан...

- Рост... Келинг, ишимизни қилайлик!

Айлана чуқурлашган сайин ер юмшоқ чиқа бошлади. Энди Акмал тулпроқни кўчириб, бир йўлда тепага отаётгани учун иш тезлашиб кетди. Хосият ўра оғзига ташланган тулпроқни узоққа тортади, кийимлари чанг, тулпроққа беланса ҳам парво қилмайди, белжурак тезроқ мис кўзага урилсайди, деб ўйлайди, холос...

Кутилмаганда пахса девор ёригидан липиллаган нур кўринди. Гоҳ қатталашиб, гоҳ кичрайиб кўринган бу шувъла икковини ишдан тўхтатди.

- Бояги машина қайтди шеклиди, - пичирлади Акмал.

Бироз жим қуттишди. Акмал тўғри айтган экан, машина боз келган йўлдан кетди. Иш давом этди. Ура икки метрдан ўтгач, Акмал ҳам Хосият ҳам қаттиқ толиқтишди. Аммо етай дедик, деган умид дахшатли чарчоқни енгди, яна асбобларни олишди. Энди кўрқув - хушёрликка чорловчи кўнгироқ эди. Хосият ишлолмай қолди, пешонасига кўлини тираб, чуқур-чуқур нафас олади. Тиззалари қалтириётганини билдирмаслик, Акмалнинг ғайратини сулдуирмаслик учун илтижо қилди: «Эй, Худо, омадмингни бергин!»

Белжурак бирдан қаттиқ нарсга урилди. Акмал дарров ишни тўхтатди-да, телефон фонарини тўғрилади. Қўли билан тулпроқни сурди. Белжурак урилган мис кўза эмас, пишик гишт экан. Барибир кўрсинди бўлди. Етиб қолдик! Ҳаяжон билан тепасидан эгилган Хосиятга жилмайди.

- Етиб келдик!

- Рост бўлсин, Худога шукр!

Мўлжалда озгина алашлилибди. Акмалнинг белкурлиги гишт гўмбазнинг чеккасига тегибди. Ўрани уни томонга кенгайтиришга тўғри келди. Ҳазина нени икковига ғайрат берди. Чарчоқ йўқолиб, шижо-ит билан ишга киришдилар.

Гўмбаз тўла очилгандан кейин гиштини кўчириш овозида муаммо туғдирди. Икки гишт орасига белкур учинини тикиб, кўчирмоқчи эдилар, у қайрилиб кетмасди. Акмал мангировка олмаганига афсусланди. Аммо у таваккал қилди. Бор кучини тўплаб, кетмоннинг орқаси билан тўртинчи уришда битта гишт иккига бўлиниб пастга тушди. Гўмбазга туй-

нук очилди. Фишталарни олиш осонлашди. Хосият тепада туришга кўржиб, ўрага тушиб олгани учун иккови эркин ишлашолмас, пала-партиш ҳаракатлар ишни орқага сураётганга ўхшарди. Ниҳоят, тумбаз остидаги текисликда иккита қора нарсга кўринди. Акмал шопилганча ушлади. Кўза! Миғ кўза, олтин тўла кўза, бойликка бой кўза!

Икки қалбга қувонч, шодлик ва шижоат ёприлиб кирди. Биттадан ушлаб кўришди. Оғир! Бағирга босиб шундай севинишдики, бир неча дақиқа икки дунёни унутганча қотиб қолишди. Юрак, рух ором олар, ўзлари осмонда учиб юришарди...

Кўзалар оғир, беҳисоб хазина тўлдирилган. Аммо «Очиб кўрмасдан бекорга суломмайлик!»- деган фикр билан Акмал ёнидан пичоқ олиб кўза оғзига боғланган тери қопқоқни чеккасидан тилди. Пичоқ уч энлик кириши билан тилда тангага урилди шекилди, билинар-билинамас жаранг чиқди. У теридан кўпрок тилди ва ундан ушлаб кўза оғзини очди. Ой нури тушгач, кўза ичи ярақлаб кетди. Ҳатто нури ташқарига тошиб чиқди...

Аммо шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Ўрик шох и эгилиб, иккита қора шарпа ерга осилиб туша бошлади. Акмал билан Хосиятдаги шодлик ўрнини ваҳима эгаллади. Қора шарпалар ўра оғзига ёприлиди ва қирғоққа келиб, икковига тўппонча ўжтади.

- Кўзадаги тиллаларни тепага узатиб, икковини жойингга ўтир!

Фонаридан таралган ёрқин нур икковининг кўзини қамаштириб юборди, улар кафтлари билан ёрутликни тўсиб, босқинчиларни танимоқчи бўлишар-

ди. Бирдан новчароғи газли тўппончадан ўқ узиб, доширатиб кўйди.

Хосият ўлим шарпасини сезгандай ваҳимага тушарди. Бояти хавотир бекоргамасакан! Ўғлини олиб келмаганига суянди. Аммо олдида турган фожага ўз қисматига ёприлишини ўйлаб, қалбига қоронғилик тўлди. Акмалнинг тиззасидан ушлаб, даг-даг титрай бошлади. Акмал кўрқманг, дегандай бир кўли билан аёлниг елкасидан ушлаб, қисиб кўйди.

Улар фонарни бошқа томонга қаратганларида Акмал ички чўнтагидаги ўтган йили Туркиядан олган янги қуролни чиқарди-да, новчанинг чап кўрагини мўлжалга олди.

«Шип!»- этган овоздан сўнг узун гавда орқага қулади. Тўппончаси ўрага тушди. Акмал дарров қуролни олиб, иккинчи босқинчига ўжталди.

- Шеригингни олиб, эшиқдан чиқмасанг, сен ҳам инеибангтни оласан!

Унинг тиззасидан ушлаганча тижкаланаётган Хосият секин шивирлади: «У ўлдимми?»

- Хушидан кетган, холос...

- Шериги-чи?

- Жим!...

Акмал тўппончадан иккинчи босқинчининг оёғи остига ўқ узди. Унинг ўрага тушиб кетишига бир байи қолди. Шеригини кўтаришга ҳаракат қилди-ю кучи етмади. Бу даҳазаларда Акмал ўралдан сакраб чиққин, Хосиятти тортиб олаётган эди. Хосият қирғоққа қалам босганида, Акмалнинг орқасига қаттиқ зарба тегди. Иккови ўрага қулаш арафасида уларини ўнглаб олди. Йилит Хосиятти тўпрок уюми орқасига суриб юборди.

Босқинчи Акмалнинг елкасига тепмоқчи эди,

аммо у эгчиллик билан товонидан ушлаб кутарди, босқинчи оркуси билан тупроққа беланди. Акмал зуллик билан сонига тепди. Босқинчи инграб юборди. Кўкрагида кучли босим сезиб, нафаси қисилиб қолди. Зарба икки марта такрорлангандан кейин араңг тили калимага келди.

- Менга терманг...

Икки сўз ўлаётган одамнинг сўнгги истагидай дардли эшитилди.

- Тўхтанг, Акмалжон, - деди Хосият бирдан у томонга ишора қилиб, - эшитиб кўрайлик!

Акмал ғазабланган бўлса-да, ўзини босди.

- Гапир, нега термайман?

- Босқинчи эмасман!

- Кимсан?

- Дўстингиз!

- Канақа дўст?

- Бир хўшдам сув беринг, ҳаммасини айтаман...

«Дўст» саз ўзига келгач, қравотга олиб боришди.

Акмал тепасида келиб ўқрайди.

- Гапир!

- Мени анави ёллаган...

- Уни-чи?

- Аллақандай аёл.

- Яъни ким?

- Опам Магстонани Дубайга жўнатган экан...

- Халимами?

- Шундай бўлса керак... Опам хозир Дубайда қочиб юрибди, агар шу ишни уйдalasак, Аваз ака опамни Дубайдан эсон-омон олиб келаркан!

- Бугунги ишимизни каердан билдиларинг?

- Сахарда ортингиздан кузатиб келишибди...

Акмал анграиб қолди. Халима деганлари ер

инглиш илон қимирласа биларкан-да!

Тупроқда чўзилиб ётган одам заифгина ингради.

Ўқ зарби йўқолаётган шекилли, хушига кела бош-

ланди.

- Бойги машина сенларга келдими?

Ха.

- Қўнгиروق қил, олиб кетсин!

* * *

Ўтган сафар тиллаларни олдириб қўйган Хосият қўнгируни ҳам пуфлаб ичалиган сиёқда эди. Энди бойлик Акмал икковиники. У режа бор деган, қандай режа эканки, тилла қўлга киритилгунча айтолмаса? Ноёб ниятми?

* * *

Босқинчилардан қутулиб, тилла ўзларида қолган бўлса ҳам, улар билгани чакки бўли-да! Мушукдай пайт пойлашади. Босқинчилик, шармандалик, хатто одам ўлдирилган тоймайдилар. Қўзаларни яширини ёки тезроқ ишлатиш керак!

Тиллани ресторан ертўласидати пўлат сандиққа жойлашган бўлса ҳам Хосият эртагабгача ухлогмади. Кўёш чиқмай, Акмалга кўнгиروق қилиб, етиб келишини айтди.

Тинчликми? - деди Акмал дарвоза олдида машинани тушаркан, - кўнгирусизлик рўй бермадимми?

Улар тинч ўтиришолмайди, Акмалжон!

Аёл Акмалнинг изтиробини бир даҳзада пайқайди. Режаларини эста солмоқчийди, бойликни ишончли жойга яшириш муҳимлиги учун гапирмади.

Ишхонага кетишадиганда орқани кўрсатувчи ойни-дан унинг нигоҳи билан тўқнашди.

- Режани айтадиган вақт келди!

- Ҳатто амалга оширишга имкон туғилди, Хосни-ягхон!

Улар Хосиятнинг хонасига киришди-да, жилдини иш бошланаётгандай эшикни кулфлаб юзма-юзи ўтиришди.

- Режа миёда пишган, архитекторга лойихасини чиздириш керак.

- Катта ишми?

- Хар холда пайнет куриш эмас...

- Тўшунтириброк айтсангиз...

- Хуллас, ниёт - шаҳар марказида «Севитганлар хиёбони» куриш! Албатта, сиз билан бирга! Ободон-лаштиришга хисса кўшамиз.

- У ерда ёшлар фақат сайр қиладимми ё?...

- Ҳамма нараса бўлади - кичикроқ кафе, турк ва кавказча кабоҳона, атрофи қаминш новдалари билан ўралган «Севитганлар суҳбатхонаси», ўрмон ҳаётини кўрсатадиган арча ва бошқа дарахтлар, хайвонларнинг чиройли макетлари, икки тарафда иккита мўъжазгина фаввора, атрофига чиройли ўриндиклар кўямиз. Ёшлар ўз келажаги, бахт-саодати ва севгиси ҳақида маза қилиб суҳбатлашиб ўтиришди.

Хосият хиёбонни тасаввур қилиб севиниб кетди. Акмалга қараб жилмайди-да, унинг кўлидан ушлади.

- Кечирасиз, Акмалжон, хиёбонда ашаддий се-вишганлар учун панарок жойлар ҳам бўладими?

- Айниманг, яхши қиз (ҳазил), бўлади! Бундан ташқари, эллик кишига мўлжалланган кинотеатр курамиз! Ундан озгина нарида рақс майдони бўла-

ди. Хонандалар энг замонавий куй-қўшиқлардан ижро этишди, ёшлар маза қилиб ўйнаб кулишди, дим олишди. Ёшлик завқини сурпишди. Ахир, уларнинг дунёга донғи кетган шаҳар ёшларидан қисри кам?!
- Яшанг, Акмалжон! Мени хурсанд қилдингиз

- Хозирча, меймор ва иккаламиз билгамиз холос, лойихаси битгандан кейин туман ҳокимига кўрсатиб, ер ажратилишини сўраймиз.

- Каерга курамиз?

- Мўлжаллаб кўйганман!

- Нахотки?!

- Сой бўйдан вокзалга кетадиган йўлнинг чап томонига қаровсиз жой бор. Ўртасида икки қаватли чапа битган бино бор. Ариқнинг бир томонига Европа таомлари кафеси, нарити тарафига эса, мўлжаймоқ кафеси бунёд этамиз. Ҳамма ерда му-синка билан ёниб ўчувчи турли рангдаги чироқлар бўлади. Хокимият бизга ерни ажиратса бас!

Хосият қувонганидан чапак чағиб юборди.

- Яхши ниётни ювиш керак, Акмалжон!

- Шошилма! туринг! Аввал хазинани жойлайлик, юниш қочмайди...

- Ҳа, у - муҳимроқ...

* * *

Амал эски танишлар орқали Мастионага ўзи учадиган рейсга авиачипта олди. Мастиона бир нечта юз долларлик узатувди:

- Узингизга керак бўлади! - дея олмади.

Юкларини топширгач, кутиш залига киришди. Парвозга бир соат бор. Одамлар кўп, аммо ҳамма

шериги билан жулда секин, ҳатто пичирлашиб галлашади. Катта скамейкада ёнма-ён ўтириб бемағол суҳбатлашиш мумкин.

Акмал ярим соатча олдин Мастонога бошидан ўтганларини айтиб беришни сўраганида, кўчада келишаётганли. Ҳозир жавоб олишнинг мавриди эканини эслаб, аёлга савол назари билан қаради.

- Кўрган куним кўрсин! - деди аёл хўрсиниб, меҳмонхона бекаси бўлиб ўн беш кунча ишлаганимдан кейин:

- Бу жойнинг эгаси келди! - деб ишдан бўшаганди, Маошимни ётоқ ва еган-ичганимга ушлаб қолиб, юз доллар пул беришди, холос. Мен даярли кўчада қолдим...

Аёл буюғини айтайми-йўқми дегандай озгинна сўқут сақлади, бир қарорга келиб, Акмалга қарали.

- Ака, илтимос, эшитганларингизни юртда гапирмасликка ваъда берсангиз...

Акмал бош ирғиди. Хотиржам қилиш учун билганини қисиб қўйди.

- Хорлик ва саргардонликдан сўнг Абдулатифнинг тақлифига рози бўлдим... Паспортларимизни олиб қўйишди. Тошкентдан етти қиз эдик. Бинонинг тўртинчи қавати Абдулатифга қарашли. Замонавий тил билан айтганда кўнгли очар жой. Ҳамма ифлослик, бузқўжлик ўша ерда. Фоҳишалар орасида ёш-ёш қизлар, эрдан ажраган келинчақлар бор. Биттасининг онаси пул ишлашга жўнатган, яна бири отасининг қарзини тўлашга келган. Ёшгини келинчақ эса, ҳорижда яшаш учун ҳар нарсага тайёрлигини айтди (асли ўзи бузқўж экан).

Аввалгига ўч минг доллардан ойлик бепулгалиши. Биринчи маошимизни ҳар хил хужжатларни тўғри-

лаш, хавфсизлигимизни таъминлашга сарфланди, неча аллашди. Иккинчи маошни талаб қилганлар Абдулатифнинг ғазабига дуч келишди.

Ҳозир паспортсиз кўчага чиқариб қўйсам, полиция олиб кетиб, етти йилга қамайдди, юртингизда бузқўжлик қилаётганда қўлга тушди, деган маънос хат борали. Қариндош-уруғларинг таъкибга олиннали, шармандаликдан ўлиб кетасан! - дея кўрқитишди. Учинчи ой бирорта аёл маош сўролмади... Бир йил шу алпозда яшадик. Аёллар бир кунда бир неча эркакларни қабул қилишга мажбур қилинар, соғлиги кўтаролмаслигини ҳисобга олтимасди. Пул олдиди инсон кадр-қиммати, орномуси бир пул эканини, ўз Ватанимизда эса инсон қадр бағандлиги, унинг шаъни, орномуси юксак даражада ҳурмат қилинишини шу ерда билдик.

Мастона кўзида чуқур қайғу, ғам-алам пайдо бўлди. Рухиятидаги толиқиш кучайиб бораётган бўлса-да, ҳикоясини айтмоқчилиги биллиниб турарди. У Абдулатиф қилириб келмаётганимкин, деганди элнинг иккалага эшигига хавотир билан қараб, Амал томонга жилиб олар, бир кори ҳол бўлса, унга ёнишиб олишни мўлжаллаётгандай эди...

Сабинани туркиязлик мижоз ёқтириб қолиб, юртингиз олиб кетмоқчи бўлди, - давом этди у. - Ҳужайини уни эллик минг долларга сотди. Аммо ошник ўн кундан кейин:

Касални сотибсан! - дея қизни ташлаб, хўжайиндан пулини қайтариб олди. Кейин билсақ, соғлом бўйрагини эллик минг долларга пуллаб, фойдани Абдулатиф билан арра қилибди. Ҳозир у ишга ирради... Абдулатиф муғлойим одамга ўхшаса ҳам

дили қаттиқ, пул учун ҳар қандай ёвузликдан қайтмайди.

- У бошқа бемаъниликлар қилдимиз?

- Адоғига етиб бўлмайдди. Ёшгина Зумрадни бокира қиз, дея қимматга пуллаш учун ойда икки марта гинекологга уқратиб «қиз»га айлантирарди. Шу кунларда у туҳумдон касаллигидан азоб чекипти. Э, ҳаммасини айтгани асаб чидамайди. Қисқаси, кучидан, соғлигидан фойдаланиб бўлгач, қизларни шарбати сикиб олинган анордай юртига отиб юборди-да, Тошкентдаги жинной шериклари орқали янгиларини топади.

Аваз заў дўконидан «Фанта» олиб келди-да, бир марта ишлатиладиган стаканга куйиб, Мастонога узатди. У ичишдан олдин эшикларга бир-бир қаради, Абдулатифга ўхшаш киши кўрингандай бўлганди, ўзини Авазнинг орқасига олди. Бироздан кейин елкаси оша ўтринча боғти одамни қузатди. Бошқа эканини билгач, юзига ранг кирди. Ўзини скамейка суянчигига ташлаб тин олди. Сўнгги хўпламни ютиб, давом этди.

- Мен ҳақимда билмоқчи бўлаётганингизни сезипман. Яшириб нима қиламан? Улардан катта фарқим йўқ. Касалман деб, мижозлар қабул қилмасам, куракда турмайдиغان ҳақоратлар эшитдим, калтак едим. Энг ёмони - мижозлар билан бўлганимизни фош қилувчи видеолавҳаларни кўрсатишганда нафасимиз чиқмай қолди. Хўжайиндан бир тийин пул олмасак ҳам, уни ташқарига чиқармаслигини илтимос қилдик. У одамийлик қилаётгандай рози бўлди... Ор-но-мусимиз ва соғлигимизни йўқотиб топаётган пулимиз еб-ичиш, ётоғимиз ва хавфсизлигини

нидан ортмас эмиш... У бир йил чўпчагага ишонтириб юрди.

Чинггадар рўйхатдан ўтказилаётгани эълон қилин-
ди.

Уларнинг жойи бир-биридан узоқда экан. Мастоно амбасалон охиридаги ўриндикқа жойлашди. Кўзларини юмди-да, бошини бир томонга эгиб, уйқуга кетди.

Аваз Абдулатиф маконидаги аёлларнинг хулфати ҳақида ўйлаб, юрагида нафрат, ғазаб уйғонди. У ерта бостириб бориб, аёлларни озод қилса, Абдулатифни чавақлаб ташласа...

У юртимиз ҳақида ўйларкан, юрагига қувонч, яқини ниётлар ёпирилиб кирди. Тинчлик, хотир-жамлик, тўйлар, яқини анъаналар ҳақида ҳасёл суриб, унга кўз тегмасин деб кўйдди. Юртга етиб келганда самолёт трапидан узоқларга термулди. Кўм-кўк донлар, боғлар, равон, ораста йўллар, виз-виз унётган машиналарга кўзи тушди. Яқинларини кўтиб олувчилар кўзида қувонч, шодлик, соғинч билкиб турибди. Мусаффо юрт хавосидан тўйиб-тўйиб сипқораркан, Аллоҳга шукрона айтди. Зинноддан тушиб, Мастононинг келишини кутди. Сумкасини елкасига остан аёлнинг кўзларида ҳам қувонч билкиб турган бўлса-да, мени ҳеч ким табиқ қилмасмикин, деган ташвиш йўқ эмасди. Аваз ўзиниг итиробини сезди.

Ғам қилманг, - дея далда берди у, - энди илтиласиз! Оз-моз тергасалар, урганнингиз ун оши, суқанингиз сўқ оши деб тўраверасиз...

Мастона Авазга миннатдорчилик билдириб, қўлини кишиб кўйдди. Загга киришганда Мастононинг уиси Халима билан кўтиб турарди. Акмал уларга

яқинлашмай туриб, Мастонога ўтирилди.

- Мени қандай топшингиз?

- Ҳалима опага Кўнғирок қилсам, ўша ердалигин-
гизни айтгандилар...

* * *

Икковлари хазинани жойлаб келишгач, ташвиш
ўрнини хотиржамлик эгаллади. Хосият эшиги ол-
дида машинадан тушаётиб, Акмалнинг жиддий
нигоҳига дуч келди.

- Энди Муҳаммад Собирга Кўнғирок қилишингиз
ё ўзи қилса боғланишингиз шарт эмас!

- Нега?

- Юрт бойлиги бегоналарга хизмат қилишини
истамасангиз керак?!

Хосият Акмал кўзидagi теран маънони англа-
ган, юраги кенгайгандай бўлди.

- Албатта!...

Акмал «Диана» ресторанига бориб, алоҳида стол
буюртма берди. Айрим масалагар ҳақида бир тўх-
тамага келмоқчи эди. Овқат билан ярим шиша ароқ
ичди, Хосият билан бирга бўлиш (икки кун) жара-
ёнида тугилган кечинмалар, тўйгуларни енгиб,
қалбининг бир чеккасига суриб, ўйга толди.

Бир ойдан ўтдики, у билан ишқий муносабатларга
киришмайди. Ёқтирмай қолганидан эмас, оиласига
бўлган меҳрини иккига бўлмаслик учун. Анча енгил
йорбди.

Айниқса, қизининг кўзига бемалол қарайдди,
эшикдан кириши билан хотини бир марта нигоҳ
ташлаб хиёнат изини сезмагач, юрагида бир
олам қувонч туяди. Аёл қувончини кўриш

Акмалга Хосият билан бир йилда топган лаззат-
дан кўпроқ ва тозароқ туюлади. Энг муҳими,
Хосият билан бирор жойда учрашиб, ўйга кеч
қолса, турли-туман баҳоналар излашдан, кўйла-
нига юккан аёл атирини яшириш учун хотини
билан қизини енгиб ташлашдан қутулди. Ишида
неки баробар унум пайдо бўлди. Энг муҳими,
келди тоза!

Бу ҳолат ишққа қониб бўлгандан кейин тугилди-
ми, руҳий силкинишлар таъсирида рўй бердимми -
онинг билмайди, аммо энди ишқдан ўзини тия
олгани, Хосиятга ҳам шуларни тушунтирди. Юрак
ҳар кунни орзиқиб кутадиган, кўчага чиқса, орти-
дан дуолар қиладиган, ҳар бир иши учун миннатдор
бўлидиган оиласидан узоқлашмайди. Дунёнинг ҳамма
даъвати оила жамлигида топган даҳзаллик қувончга
тегг эмас!... Хулоса уни дарзага солмаган бўлса ҳам,
кўксини бағанд қилиб турган одамийлик устунига
қушият берди....

Бу фикрларни кайфликка оиласига меҳри товлан-
ганидан эмас, кўриб-кечирганлари асосида ўйлаёт-
ганини сезди. Эртга кайфи тарқаб, мияси жойига
қолгач, ундан тонмайди. Енига керакли хулосалар
қулиши мумкин....

Тонг отди. Акмал бошини кўрпага ўраганча бу-
туни ишларини режалаштирди. Сўнг қизининг
несик нафасини сезиб, юзини очди.

- Туринг, алажон! - деди қизча жилмайганча.

- Ҳазимнинг маликам!

Акмал қизининг икки юзидан ўтди-да, «Хозир!» -
деди кийина бошлади.

- Нонушта тайёр, тезроқ ювининг!

- Кўз очиб юмгунча столда бўламан, маликам!

Сабина ота-боланинг суҳбатидан севинди шеклиди, тарелкадаги етликларни столга кўйиш учун кизини имлади.

- Бу дунёда ҳаммадан чиройли, ораста, ақлли бу - менинг кизим! - деди Акмал ювиниб - тараниб келгач, кизининг пешонасидан ўтаркан.

- Адажон! - деди у шахро кўзларини ўйнатиб, - сиздан ақлли эмасман, оймидан ҳам.

- Нега?

- Ахир, кичкина болаларнинг ақли ҳам кичкина бўлади-да!

- Йўқ, кизим! Ақл ёшда эмас, бошда!

- Унда Носир Али деган шоир нега «Ақл бошда эрур, валекин бошнинг чуңглиги ақлдан далолат эмас! - деб ёзган?

- Шоир ҳамма боши катта одам ақлли бўлавермайди демоқчи, холос...

Кизча ўйланиб чой хўпларкан, шерьни ичдида такрорлаётгани кўзларидан билиниб турарди.

Отасининг изоҳидан эмас, фикрига эътибор берганидан хурсанд эди...

Акмал уйдан хурсанд чиқди. Шаҳар мезморини топиб, мўлжаллаган жой ва биноларнинг тахминий лойиҳасини чиздириши керак эди.

Ҳокимлик қурилиш бўлимидан мезморни топиб, мўлжалдаги жойга бориб келишни йлтимос қилди.

- Акрамжон, - деди йўлда унга юзланиб, - сиздан бир нарсани сўрамоқчиман.

- Бемалол.

- Ҳоким ер ажратилганга рози бўлармикин?

- Ҳозир ободонлаштиришга йўл очик. Давлатимиз сиёсати негизда Ватанни обод қилиш ётганини биласиз-ку!

- Биламан, иш биттунча айрим тўсиқлар бўлмай-дими?

- Масалан қандай?

- Тарьмагирилик билан боғлиқ...

- Ҳокимнинг ўзларига ёки ишонч телефонига кўнгироқ қилсангиз, унақаларни жазоси тайин!

- Раҳмат, Акрамжон.

- Мен ҳам сиздан бир нарсани сўрамоқчиман.

- Бемалол.

- Сиз қураётган хиебон водийда битта бўлди, катта маблағ керак, фоизсиз кредит олмақчимисиз?

- Кўпчилик хашар қиласизларми?

- Топамиз, у даярли хал бўлган!

- Ер ажратиш хал бўлди девверинг, ҳокимга тушултираман! Ҳосиятхон билан ҳоким номига мақсулнинг кўрсатиб, ариза берасизлар.

Мезмор бинолар жойини таҳлил қилди, синчиклаб ўрганди. Энг муҳими, мўлжалдаги жойлар хариталда бўш экан. Қурилиши тугалланмаган биноларнинг раҳбар топшириғи билан ўзбошимчалик билан қурилган, эгалари ҳамон бўзиб олганини афвус билан тавқилдади.

Уни сотиб олсангиз, - деди мезмор кўюнчақлик билан, - лойиҳага кўшиб бераман!

Нарҳи қанақа? - ўйчанлик билан сўради Акмал.

- Этасидан сўраймиз!

- Яхши, ўйлаб кўраман!

- Уни битказиб, «Тўзаллик салони» қилсангиз, бишир севинарди, бизнес ривожланарди...

Акрамжон ёш бўлса ҳам дидли экан. Хиебон мақдда жуъли тавсиялар берди.

- Қираверишда учинишга чоғланган оққушлар мақдда, тўрида каттакон ўйлек келадиган юмалоқ

аквариумда турли рангдаги тилла баликлар, денгиз тошбакаси сузиб юради, - деди нигоҳини ўша томонга тикиб. - Кафе орқасига ёшлар жуфт-жуфт учалган ҳалинчагак ўрнатилди!

Акмал севишган ёшлар, талабаларни қувноқ қай-фийт билан жуфт-жуфт уяётганларини тасаввур қилиб, «Ўн етти ёш бўлганимда-ку!» дея дилидан ўтказди ва хаёлида Хосиятнинг ўнинчи синфдаги қиёфаси жонланди.

- Турналар адабиётда оруз - умид тимсоли, - давом этди у, - кафенинг ички девориларига мусаффо осмонда «Кур-Кур»лар учиб кетаётган турналар расми солинди.

- Эллайдиган рассом борми? - кутилмаганда дилида пайдо бўлган саволни тилига чиқарди Акмал.

- Хотиржам бўлинг, бизда истеъдодлилар тўлиб ётибди!

- Узингиз таништириб кўрасиз-да!

- Албатта! Ҳокимга мажмуа салоҳиятини тушунтирсам, мени қурлишга боғлаб қўяди...

У идорага келганида Хосият меҳнат интизоми масаласида йиғилиш қиларди. Акмални кўрди-ю сўзларини қисқа қилиб, ҳаммага жавоб берди.

Аёл Акмалдан янгиликларни эшитди-ю оғзи ланг очилиб қолди.

- Наҳотки! - дейди кўзларини катта-катта очиб, - одамга ўхшаб бизнинг ҳам юртга фойдамиз тегаркан, а?

- Аввал сохта одаммилик?

- Чини, айшимизни, пул кўпайтиришни ўйлаб, жамият билан ишимиз бўлмасди...

- Энди бировлар билан курашишга вақтимиз йўқ.

Кеча-ю кундуз ишласак кам. Эсимиз кириб, катта олим бўлдик...

Акмалнинг кўзларидан «Энди ишқ ўйинлари тугиши, Ватан юкени елкага олиш вақти келди, севиғи саргулаштларини ёлдан чиқаринг!» деган маъно билкиб турарди.

- Ҳа, - деди аёл сал маъюслашиб, - ўттиздан ўтдик, ўзини бўляпман...

- Ундай деманг, Хосиятхон, ҳали ўндан бир тузингиз очилмаган...

- Хушомад учун раҳмат!

Хосият бир нафас ўйланиб турди-да, Акмалга юзланди.

- Фойда дурустроқ бўлармикин?

Катта нарса ваъда қилолмайман. Аммо кафелар, кинотеатра каби кинотеатрдан, ҳатто дискотека билан ҳар кунни даромад келди. «Ўзаллик «лонгони»да келинчақлар тўйга тайёрланади, либослар ижарага берилди. Булар бекортамас-ку!

- Тўри...

Мажмуа - мулкнингиз бўлади, номингиз шахрининг ободончилиги тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.

Акмал охириги сўзларни ҳазил мутуойиба аралаш актёрлик кўллларини икки томонга ёйиб, мимика ва турур билан сўзлади.

Олиб қочинг, Акмалжон! - деди Хосият ич-ичидан қувнаб. - Ҳали битта фишт қўймаллик-ку, мени шуҳрат шохуласига чиқариб қўймасиз!

Муҳими, яхши ниёт - ярим давлатимиз бор! Ишимизнинг яна бир жиҳатиға эътибор бермапсиз.

Кайси жиҳати? - қизиксинди Хосият.

- Үлик молни фойда келтирувчи кўчмас мулкка айлангирамиз! Биров уйимга босириб келмасмикин, тилладарим жойида турганмикин, деган ваҳимадан қутуламиз.

- Дилимдаги гаплар...

- Омон Жаҳонгировнинг фикрича, тиллалар Туркияга кетмасидан аввал ақлимиз кирганида, хиёбон эртароқ ишга тушарди, харажатлар қолланган бўларди.

- Майли, - деди Хосият хўрсинганга ўхшаб. -

Кечроқ бўлсам тўғри йўлга ўтдик-ку!

Хосият юрагида юрт туйғусини сезиб, виқор билан қалдини тик тутди, жамиятнинг фаол одами сифатида деразадан кўриниб турган Ватан кенгликларига меҳр билан назар ташлади.

- Бир ҳафтада лойиҳа тайёр бўлади, - деди Акмал унинг ёнига бориб, мажмуа қуриладиган жойга қараркан, - сўнг ҳоким ер ажратиш тўғрисида қарор чиқарали. Унчага нима қилиш кераклигини биласизми?

- Ҳзингиз айтинг-чи..

- Пулни тайёрлаш керак!

- Пора берганими?

- Ватан ободлиги учун пора таъма қилганини отиш керак!

- Сизга кўшилиман...

Пулни тайёрлаш учун аввал Тошкентта бормоқчи бўлишди, аммо Баёзхон билан иш битириш қулай туюлди. Имон-эътиқолди, оғзи маҳкам! Сотиб қўймасмикин, дея кечалари хавотирда ётмайсан!

- Кечқурун уйига ўтаман! - деди Акмал у билан хайрлашиб, ташқарига чиқаркан. - Иш битса хабар қилман, анавидан олгани борамиз!

- Хўп...

Хосият расмий муносабатлар тутаб, аёл ҳолга қайтишни кутаётганди, Акмал хонасига кириб, ярим соғдан кейин бир варақ ариза билан қайтиб чиқди.

- Сиз ҳам қўл қўйинг, - деди столга қўяркан. Сўнг машинага ўтирди-да, «Ҳокимиятда ишим бор!» - деб кетиб қолди.

Хосият ўқингандай енгил хўрсинди, машина юзлаб автоуловларга қўшилиб кетгач, иш столига бошини қўйганча елкаси силкина бошлади. Қалби биллар, тилидан видолар учарди: «Алвидо ишқ, хайр севгилим!»...

* * *

Аваз Халиманнинг кийимлари ва имиджига ҳайрон қолди. Сўрашга ботинолмай, қизиқиш билан қараб-қараб қўйди. Аёл кейин гаплашамиз, дегандай кўзини қисди...

Дубайдан келтирилган моллар «Форд»га ортилиб, поропорт ташқарисига чиқишгач:

- Шаҳардаги квартирага борамиз! - деди Халима рулга ўтираркан, - моллар эгасига етади, биз дам олиб, кейин уйга кетамиз!

Авазнинг сал фаши келди, аммо ёмон қарор эмаслиги учун Халиманнинг соғинч тўла кўзига қараб бошини қимирлатди.

Уйга етишганда Халима эшикни очиб, Авазани олдин ўтказди. У толга сепилган қумга ўхшаш нарсени босиб уйга киргач, Халима «Ҳзингта шукр!» - дея дилидан ўтказди ва йилгитнинг бўйнига осилди.

- Соғиндим!

Эҳтиросли нафас йилгитда аёл кучоғига мойиллик

уйгоғди. Аваз уни бағрига босди. Халима нозу карашма билан бир тўлғаниб, «Секинрооқ!» - дея кучоғидан сирғалиб чиқди-да, стол олдига борди.

- Чанкагансиз деб, малина шарбати тайёрладим, ичинг!

Аваз нафис, тулли стаканни кўлига олди-да:

- Соғлигингиз учун! - дея кулимсираб шарбатнинг ярмини сипқорди. Мазаси ёқди шекилди, бир лахзадан кейин қолганини тағитача ичиб кўйди. Халима қувонганча ичида «Хайрият!» деди...

Дастурхон иштахани очалиган ноз-неъматлар билан тўла.

- Пиротгни сиз учун ўзим пицирдим! Емабсиз, дунёга келмабсиз!

Аваз кўнгил учун бир кесимини тарелкасига солди. Кўлда есаммикин, санчқидами, дея ўйланиб турганда Халима гапни илиб кетди.

- Тилингизда эриб кетмаса, отимни бошқа кўяман! Аваз унга ишқий нигоҳ билан термулди. Кўнгилли мойил бўлиб борарди. Халима кичкина кизлардай муқом қилиб, бир кесим пиротгни унинг оғзига солди. Аваз охириги тишлами ютгач:

- Отингизни ўзгартирманг! - деди аёлга қараб.

- Нега?

- Халима мента ёқади! Аёл икки маънони тушуниб, яйраб куларкан, дилида «Худога шукр!» - деди...

Аваз бошини кўтарганида Кўёш ботаётган, деразадан оқшом нафаси келиб турарди...

Шошилганча катта қора сумкасини кўтарди-да:

- Уйга кетиш керак! - дея ташқарига юра бошлади, аммо диванда унга эхтирос билан ишратта чорлаб турган аёлдан кўнгил узолмай, сумкани

креслога ташлади-да, тонгтача қолиб кетди Халима нонуштадан сўнг уни уйига ташлади ва ич-ичидан қувонганча рулни Хилоланикига бурди...

* * *

Аваз уйдагилар билан наридан - бери саломлашди-да, «Чарчадим!»- дея хонасига кириб кетди. Ухлиб, дам олмоқчи эди, уй аҳлида ҳам шундай тиассурот қолдирганди. Аммо бошини кўрпага ўраб, у ёқ-бу ёққа ағдарилса ҳам уйқуси келмади. Тунги ноқалар тушида кечдим, ҳобидами - билолмай тирайт. Минг ўйламасин, қайси кутилмаган куч ўз тиасирита олганини тополмади. Юрагининг бир чеккасида - тўшақда тошган лаззатлари, ёқимли хил, нариги чеккасида иродасизлиги тудирган тишлик, қоронғулик хукмор.

Самолётдан тушгунча шу кунни Халима билан бирга тунаш хаёлига келмаган эди. Аэропортда у сирли куюндай домига тортиб олди. Эргашиб уйига келгач, оиласини эслан чиқарди. Нега шундай? Қанақа сир бор? Аёл қандай қилиб хушини олиб кўйди?

Миясига ҳар хил фикрлар қуюлиб келади, аммо Халимани ёмон дегиси келмас, у бегубор туйғу, фиришга мисоли кўнгил тоқида жилмайиб турарди. Гибисуми руҳиятта куч, завқ-шавқ берар, борлигини эхтирос гулханини ёқётганга ўхшарди.

Ҳозир бир баҳона билан Халиманикига борса-ю, кучоғининг иссиқ ва ширин лаззатидан баҳраманд бўлсин!

Эх, Халима, Халима, сен мафтуункор аёлсан,

жилмайшинг борлигимга аланга солади, кўнгли ришталаримни чамбарчас боғлаб ташлайди!

Малина шарбагини эслаб, оғзига суви келди. Кўнглига аллақандай ёруғлик тушиб, тамшаниб кўйди. У нафис гулли стаканда шарбат кўтариб келадигандай бошини кўрпадан чиқарди. Аммо тепасида хотинини кўрди-ю капалаги учиб кетди.

- Сенмисан? - деди юраги хаприқиб, - мундай шарпа қилиб кирсанг ўласанми?

- Эшли кўзим илтинган экан, уйкуни ҳаром қилдинг, чанқашпман, бор шарбат опкел...

Аёл ҳайрон бўлганича, таажжуб билан эрига қаради.

- Канақа шарбат?

- Эй, қишлоқи, - деди у тўқолга ўхшаб кўринган Сеторага ўқрайқан, - малинами, олма-ўриқданми шарбат тайёрласанг, кўлинг синиб қоладими?

- Нима бағо, чап ёнингиз билан турганмисиз, даласи ё ўша мегажин иситмасини янгиладими, оймлардан сўрай-чи?

Аваз бошини кўрпага ўради-ю ўйга толди.

«Наҳотки, Ҳалима азайимхонга борган бўлса?!» Бу фикрни кўнглидан кечирди-ю тунги лаззат ҳаёлига келиб иродаси бўшашиди, ҳозироқ унинг олди-та учиси келди.

Сетора салқин ичимлик кўтариб кирганида Аваз ўрнида йўқ эди...

Ҳалима Ҳилоланинг маслаҳати билан атайлаб телефонини ўчириб кўйди. Шаҳардаги квартирага бориб эски кийимларини, Тожи момоникидан қизини олиб, кирхонага бориб келиб, дам олди. Кечта

ққин «Вам звонили» ни очса, Аваз йипирма марта кўнгироқ қилибди!.. Қалланга қойилман, Ҳилола, боқийнинг беш!!!

Қизини уйда қолдириб, Авазга кўнгироқ қилди.

- Қардасан, мунча хит қилдинг, жинни-пинни бўлганмисан?

Аваз тўтоққан, тажанг ва асабий, сўқиниб юборилдан аранг ўзини тийиб турарди

- Мунча сиқиласиз, Аваз ака? Батарейкам ўтириб, телефоним ўчганини билмай қолибман, тинчлик-ми?

Ҳалиманинг хотиржамлигидан Аваз бешбаттар бўлиди.

- Уйда йўқсан, роса кутдим, келмадинг!

- Осмон ўзилиб тушгандай ваҳима қилманг, ака! Нақ жонимни чиқарворай дедингиз-а!

Ҳалиманинг нозланиши Авазни юмшатди.

- Жонингга жонимни қоқай, тугиб берсанг ўзим боқий! Тезроқ уйга кел.

Ҳалиманинг шарақлаб қулиши Авазга ҳам юқди. Унинг эркин кўйиб, телефонни оғзига яқин олиб келди.

- Тез кел, кўзимга дунё қоронғи кўриняпти, авалдим...

- Ҳўп, акажон, мана, рулни сиз томонга буряпман, олтингача сананг, олдингизда бўлмаса, Ҳалима номиди!

Авазинг кўнглига илиқ туйғулар қуйилди. Соинич ва талпинишларни сезгани учун уни янаям яқини кўриб кетди.

- Аваз ака! - Ҳалима кириши билан овози қоридорни жаранглатиб юборди, - Қардасиз?

Китан жойидан диқ этиб турди-да, коридорга

отилди. Аёлни бағрига босиб, анчагача кўйиб юбормади. Нафаси бўғилай деганда Халима:

- Ака, сизга нима бўлди? Эрталаб кўрпадан бирга тургандик-ку?! - деди.

- Билмайман, уйда ўтиролмадим...

Халима қувонганча қучоғидан сирғалиб чиқди, ётоқхонадаги диван олдида тўхтаб, орқасидан қираётган Авазга ўтирилди.

- Дубайда мени соғиниб қолдингизми?

Унинг кўзларида, юзларида эхтирос алангаси ёнар, танасидан йипитни айшга тортувчи аллақандай қуч ёғилаётганга ўхшарди...

Авазда тоқат қолмади, аёлнинг нафис кўйлаги ичиде тўлғанаётган танасига қараб, эхтирослари жунбушга келди, уни бағрига босганда эса, еттинчи осмонда учиб юргандай қанотлари енгилгина силкиниб, жаннат қучоғида оламини унутди...

Халима висол лаззатидан, Хилола ўргатган тал-бир иш берганидан фойт хурсанд. Йипитнинг тўшакдаги қийноқлари жонига хузур берар, дунё унинг жиловида тургандай шоду хуррам эди...

* * *

Кеч соат 22:00. Шаҳар ҳокимининг хонаси.

Ҳозиргина вилотдаги катта йиғиндан келган, янги костюм-шим, оқ кўйлақ ва қора галстук таққан ҳоким «Севиншганлар хиёбони»га ер ажратиш тўғрисида мезмор тайёрлаган қарор билан танишмоқда. Ён тарафдаги девор тепасида Президентнинг ўйчан қиёфада тушган сурати.

Ҳозиргина Акрамжон хиёбон ҳақида ҳокимга тушунтириш берди, режани амалга оширувчилар

билан таништирди. Иномўлат Турсуналиев сўнги сатрларни ўқиб бўлгач, юзи ёришиб кетди ва ҳоким деб ёзилган жойга имзо чекди.

- Режаларига қараганда бамаръни ёшларга ўхшайди! - деди ручкани қаламдонга соларкан. Сўнг Акрамжонга қаради. - Акмалжон билан Ҳосиятхонга айтинг, қандай ёрдам керак бўлса, руҳсатсиз қиришаверсин!

- Яхши, қарорни бераётганда хурсандчилигингизни айтаман!

- Ишни қачон бошлашмоқчи?

- Қарор кўлларига теккач, хиёбонга биринчи гишт қўйишармиш.

Шу пайт зарур гап Акрамжоннинг ёлтига тушди шеклиди, табасум билан ҳокимга юзланди.

- Айтгандай, улар биринчи гиштни Иномўлат ака кўйиб берсинлар, деб илтимос қилишган!

- Жуда яхши, иш бошланса чақиринглар, Топш-кеңгиз бўлса-да, етиб келаман! Уларга менинг номимдан муваффақият тиланг!

Акрамжон хонасига кириб Акмалга кўнгироқ қилди. Эрталаб ҳокимиятда қўришиш зарурлигини тушунтирди.

- Ҳосият Қодировани ҳам бошлаб борайми?

- Зиён қилмайди. Қарор имзоланди.

- Раҳмат, Акрамжон! Яхшилiligингизни унутмайман.

- Арзимайди. Эртага ерни ўлчаб, қозик қоқиб бераман...

Ҳосият ювиниб-тараниб ҳовлига чиққанида оқсоч Комрон билан шинамгина сўриток тагида нонушга қилиб ўтиришарди.

- Келинг, қизим, - деди хола ўрнидан кўзғалиб,-

кеча иш кўнайиб кетди шеклилли, кеч келдингиз...

- Ха...- деди у сир яширган одамдай, биров билан муомаламизни ҳисоб-китоб қилдик.

- Ишларингиз шу-да, - деди унга хайрихоҳлигини билдирмоқчидай, - Чой ичинг!

Хосият оксоч узатган чойдан бир хўпловдиямки, кўчада «Ласетти» овози эшитилди ва бироздан кейин Акмал кўринди.

- Акмалжон, тўрға ўтинг, - деди оксоч.

- Раҳмат, мен чой ичганман.

- Бир пиёласи тешиб чиқмас!- муттойиба аралаш гапирди Хосият.

- Янгликдан хабардор қилиш учун келдим.

- Ростданми?

- Ҳокимиятдан келяпман, ҳоким ер ажратиб тўғрисидаги қарорга имзо чекибди!

- Қандай мазал - чапак чагиб юборди Хосият. - Биринчи габаба муборак бўлсин, Акмалжон!

- Ўзингизга ҳам! Бугун мезмор ерни ажратиб,

қозик қоқди...

- Мен ҳам борайми?

- Албатта! Ёнимда турасиз-да! Ҳоким ишимизга муваффақият тилабди. Ёрдам керак бўлса, руҳсат-сиз қираверишин, дебди. Биринчи гиштни ўзи кўйиб бераркан!

- Бошим осмонга етди, Акмалжон! Бошланиши чакки эмас!

Бир пиёладан чой ичишгач, икковлари офиста кетишди.

Акмал лойиҳани столга кўйиб, Хосиятга тушунтира кетди.

- Хиёбонга мана бу ердан қирилади, - деди у иккита қанотга ўхшатиб чизилган тўрт бурчакни

кўрсатиб. - Хиёбоннинг икки тарафига арча ўтказилди. Мана бу икки қаватли бино Европа таомлари кафеси, тўлқинсимон, йўлга ўхшаган узун чизик арик, унинг қирғоғига замонавий безак берилди. Айлана жой дискотека майдони, ёпик ўринга оркестр жойлашди...

Хосият қатта шаҳарни кўргандай севинар, наҳот-ки, ҳаммаси бизники бўлса, дея ҳаяжонга тушарди. Тушунтириш тугагач, Акмал лойиҳани трубага ўхшатиб ўради-да, резина ип билан боғлаб, фильофига солди.

- Энди маблағ масаласида келишиб олсак, - деди Хосиятга юзланиб, - кеча Баёзхондан эллик минг доллар олиб келдим.

У аёлларниқига ўхшаш қичкина сумкасидан беш боғлам юз долларлик олиб столга кўйди.

- Ҳозирча ишлатиб тургани етади, - деди Хосият пулни олиб қичкина пулат сандиғига жойларкан. - Баёзхон омон бўлсин...

- Боболарингизнинг охирати обод бўлсин!

Хосият «Айтганингиз келсин!» деганча сандиқни беркитди.

* * *

Кўчадан кирган қайнонасига Сетора пешвоз чиқди.

- Нима гап, ойижон?

- Гап кўп, мегажин тинчимади-тинчимади-да! Гумонларинг тўғри чиқди. У беҳаё ўғлимга амал қилди!!!

Сетора «Оҳ, ойижон!» - деди-да, айвон пахтаганига ўтириб қолди. Юзини кафти билан беркитиб, инглаб юборди.

- Анчадан бери бунақамасдилар ўғлингиз, у ифлос яна хунарини бошлабди. Энди нима қиламан, ойижон?!

Кайнонаси елпигич билан елпиниб, сал ўзига келгандан кейин келинга далда берди:

- Кўп сикилма, сен аралашсанг, Аваз ёмон кўради. У хотинни ўзим боғлайман. Аваз уйдан қачон чиқиб кетган?

- Эрталаб...

- Менимча, улар шаҳардаги квартирада.

- Балки...

- Кўчадан такси туттиб кел, ўзим бораман!

- Якка-я?

- Менга жин урармиди? Боламни жолдугар чангалидан чиқариб олмасам, бу дунёда яшаш менга ҳаром!

Сетора такси билан дарвоза олдига келганида Мавлуда хола сумкасини биллагига илиб, ҳовлидан чиқди.

- Сен кечки таомга урин, келгунимча сикилмай тур!

Такси шундоққина дом тагига тўхтади. Мавлуда хола ўглини шармандали ҳолатда учратишни сира истамас, аммо дили гаш ва мияси оғриқли эди. Танасини кўтаришга дармони етмаётгандай оёқ-кўллари қалтирар, ички қуввати емирилиб бораётганга ўхшарди. У инқиллаб-синқиллаб, бир ёнга оқсаб, «Ўғлим бу уйда бўлмасин-да!» деган ниёт билан терлаб-пишиб, учинчи қаватга кўтариларкан, миясидаги оғриқ кучайиб кетди...

Эшикни секин тақиллагди. Дилида «Ҳеч ким очмасайди!» деган истак, ўглини шармандаликдан асраш илнжи қайнаб турар, овора бўлиб ортига

қилтса ҳам анави метажиннинг писмайган, наҳс қоплаган башарасига кўзи тушмаса бас!...

Иккинчисида жонлироқ тақиллагди, сўнг авайлибгина кўнгироқни босди. Ичкаридан овоз эшитилмади. «Одам йўқ шекилли...» деган илнж кўнгига бироз далда берди. Аммо миясидаги оғриқ ўрайиб, боши айланганга ўхшарди.

Афсус! Ҳасёт унинг истақлари, боласини авайлаш илнжини далил очилган эшик билан мажақлаб ташлади... Коридорда сочлари бетартиб, одобсиз кийинган, кўзидан шаҳвоний сук ёғилаётган Ҳалима турарди.

Онанинг миясида нозик томир шишиб, ёрилиб кетилгандай туюлар, кўллари талвасага тушган олимдай титрар эди. Ҳушидан кетиб қолмаслик учун кўзини катта-катта очиб, рўпарасидаги аёлга қарди.

- Келинг, хола...

Ҳажорат ва Азроил гурзисининг овозидай эшитилган бу гапни Ҳалимаи ё бошқаси гапирдимми, она широк етолмади. Ичкарига қалам босиши билан ётоқхона остонасида майкачан Авазни кўрди-ю рабоб аланга олди. Кўзлари жимирлаб, нигоҳини қоронғилик қоплади. Ўзини туголмай, чап ёнга отиб, боши билан деворга урилди...

Мияси қарахт, нима қилиб кўйганига ақли етмаётган Ҳалима иккала юзини қулоғи аралаш ушлаб тураркан, кўрқа-писа Авазга қаради. Авазнинг ҳовли уннқилдан кам эмасди.

Она Ҳушидан кетган, оғир-оғир нафас оларди. Юзи - азобланган, раҳм-шафқатга муҳтож одам рўзининг аксига ўхшарди.

- Сизга нима бўлди, ойи?

Аваз онасининг бошини тиззасига олди, уни хушга келтиришни билмай талвасага тушаётганини кўрган Халима «Тез ёрдам»га кўнғироқ қилди...

* * *

«Севишганлар хиёбони» лойиҳасига кирган бинолар, хиёбон ва бошқа майдонларни «Янги дунё» фирмаси қурайдиган бўлди. Фирма раҳбари Муҳаммад Аьлоевич лойиҳа билан танишди-ю «Дилимдаги қурилишлар экан!»- дея севиниб кетди. Ҳамма имконият ва маҳоратини ишга солиб, қисқа вақтда республикада ягона кўнғил очар маскан бунёд этаман, дея ваъда берди.

Унинг дили ва савияси, қурилишни амалга ошириш билан боғлиқ фикрлари билан танишгандан кейин Акмал билан Хосият ҳам, мезмор Акрамжон ҳам қурилишга икки баробар қизиқиб қолдилар.

Иўлакнинг икки томонига ярак шаклидаги плафонлар қўямиз,- деди у лойиҳа ўртасини кўрсатиб, - оқшомлар «дуқ-дуқ»лаб ураётгандай, «юрак» нури масканны ёритиб туради, бундан ташқари, у ошиқларга ҳаммаша ёниб, қоронғу гўшаларни ёри-тиб яшашдан дарс берали.

Фирма раҳбаридан илҳомланган Акмал билан Хосият фикрларини тўлиб-тошиб гапира бошлашди. Акрамжоннинг янгиликлари эса, хиёбонга ўзгача жило, жозiba қўшгандай бўлди.

Ниятимиз, - деди охирида Муҳаммад Аьлоевич, - ақлу заковатимиз, куч-қудратимизни юртни обод қилишга, ер юзиде энг гўзал, дўстлар ҳавас қилайдиган, душманлар кўйиб ўладиган дилбар гўшага айлантириши!

Муҳаммаднинг илҳом билан шоирона сўзлаши, икковига таъсир қилди. Истеълодли, ўз касбига қизиққан одам билан ҳамкорлик бошлаганидан севинди.

Илгари, - деди Хосият офисга қайтишга тандла, - оллакаёқдаги дигсиз, фикрлари тўқол одамлар билан курашиб, обрўйимизни тўкиб, умримизни ўтказиб юрган эканмиз...

Ха-я, - кўшилди Акмал, - асл йўлимизни энди толдик, чоғи. Муҳаммад акага ўхшаганлар билан ишласанг, ўзингни буюк ишларга қодир, кучли ва гурурли сезасан!

Бир ҳафтада майдон хору хашак, темир-терсақлардан тозаланди. Ер бўльдозер билан текисланди. Япониядан келтирилган янги «SAMSONG» пойдевор ўрнини қовлаб берди.

Шилдат билан бошланган қурилиш пойдевори беш кунда ниҳоясига етказилди.

Биринчи гилт қўйиш маросимига вилоят, республика газета-журналлари, телевидение вакиллари, ёшлар ташкилоти раҳбарлари ва фаоллари, қорхона, муассасаларнинг мутахассислари ҳамда илгор ходимлари таклиф этилди. Очилиш маросими тугатгандан кейин Инномпўлат Турсуналиев биринчи гилтгни қўяркан, ҳамма гулдурос қарсақлар, олқишлар билан ҳокимни қўйлаб - қувватлади.

Бу маскан, - деди туман раҳбари ҳаммага юзланиб, - ёшларимизнинг энг сеvimли кўнғилочар гўшиси, вилоятимизда ягона оромгоҳ бўлиб қолади. Имомамиз ёшларининг энг ажойиб тадбирлари, мушоиралар, кўрик-танловлар ўтказилади. У ҳамини қилби тоза, юраги сеvги билан лиммо-лим сеvинишганлар билан гавжум бўлишга ишонаман.

Энг муҳими, ёшлар дам олиб, қувнаб, кўнгли изҳорларини айтиб, юртни обод қилиш, мамлакатимиз фаровонлигини таъминлаш учун бу ердан куч-қувват, ғайрат-шижоват оладилар. Фаровон, гўзал ҳаётни ўзларида ҳис қилиб кўралдилар.

Қурилишга меҳнат фахрийлари, хожи оталар, кўпни кўрган олимлар оқ йўл тилалдилар. Иш кўтаринки кайфият билан бошланиб кетди.

Муҳаммад Абловевич ташкилотчи, муомаласи гўзал инсон экан. Мутахассислар, олдий ишчилар ва таъминотчилар билан шундай дилкаш гаплашадилар, ҳамманинг айтганини қилади. Иш ва таъминотда ўзлишлар, депсинишлар бўлмайди. Масканнинг бинолари, йўллари бита бошлагач, одамлар унга катта қизиқиш билан қарай бошладилар. Довруғи вилоятнинг барча тўшаларигача етиб борди. Вилот, республика телевидениесида Қурилиш тўрисида бир неча марта ахборот ва лавҳалар берилди.

* * *

Халима ёлғизликдан зерикди, кўнглига қил сиймайди. Аваз йигирма кундан бери уни истамайди. Хатто бир марта кўнгироқ қилмади. Кўнгироқларни кўтармайди, SMSларни ўқимайди. Аёлнинг кўзига дунё зиндондай кўринади. Касалхонага борай деса, Мавлуда хола уни кўриб, миясига қон қуюлган. Тузалгандан кейин у билан бошқача гаплашармиш... «Келинг, хола», ни эшитиб қандай хушидан кетган бўлса, Халимани ундан баттар қилади. Аваз у туфайли Акмал билан пичоқлашганида онанинг дили оғриган, нафрати кундан - кунга ортиб бормоқда. Хола кутилмаганда квартирага бостириб

келиб, гирибонилдан оладигандай, Халиманинг кунлари кўрқув билан ўтади...

Уша воқеадан кейин Халима кўшнилариинг нафрат тўла нигоҳларига дош беролмайди. Қизи билан Тожи момоникда умргузаронлик қилипти... Тожи момо унинг хатоларини силлиққина гапирарди, кўнглини кўтарарди, аммо ҳасратдош дўст, бағрини очиб ташлайдиган дўгона бўлолмайди. Насиқларди - мағизли гаплар, аммо кўзи қорайган ёш аёлга таскин эмас...

Тожи момо бир оёғи тўрда бўлса, бир оёғи гўрда эканини ўзи ҳам икки гапнинг бирида тавқилдайди. Турмушингдан хотиржам бўлиб, кўз юмсам дейман, қизим, - дея ҳасратноқ боқарди Аваз билан муносабатларидан кўнгли фашлигини билдирмоқчилди. Фикрини Халимага етказоладими-йўқми қанча билолмади!

Мавлуда хола касалхонага тушгандан бери Тожи момо маръюсланиб қолган. «Буви қарилди, тўсатдан ундо қолишдан қайғудар!» деб англайди Халима. Ёш ўрғиндаги катта фарқ бир-бирини тушунишни қийинлаштирарди, аммо улар муаммо чораси ҳақида ўрғинлашарди...

Шундай кунларда у Хилолани «Исфархон» кафесига тақлиф қилди. Озгинадан коньяк ичишгач, Халима ҳасрат дафтларини варақдай бошлади. Хилолани динийидан кўра, янгликларни айтиши кўпроқ ақрарди.

Хабаринг борми? - гап бошлади Хилола.

Қандай янглик? - унинг кўзларидати ғамгинлик урнини таажжуб ва қизиқиш эгаллади.

Хилола, у ростдан ҳеч нарсаани билмайди, деган қувончга келди-да:

- Кел, Ҳали, шунга олайлик, кейин айтиб бераман! - деди.

Коньяк улфатларни қиздира бошлади, айниса, Ҳалима ҳар бир қалаҳни охирти томчисигача сип-корастан эди.

У рюмкани тезда бўшатиб, газак ҳам қилмасдан дугонасининг оғзига тикилди.

- Ҳосият билан Акмал шахар марказида «Севинш-ганлар хийбони» куришяпти!

Ҳалима аввалига гап моҳиятига жиддий эътибор бермади. Ҳилолага термулди.

- У, - тушунтириш бера бошлади Ҳилола, - бир нечта кафелар, кавказча кабоҳона, кинотеатр, «Гузалик салони», рақс майдонларига эга бўлган йирик мажмуа... Бунақаси вилоятда бўлмаган!

Бу иш Ҳалимани доғда қолдириш учун қилинаётгандай ичи куя бошлади. Фикр билдиришга ожизлигини сездирамаслик учун ўзини хотиржам тутушга уринарди. Аммо янги хабар қаттиқ таъсир қилган, юзлари қизариб кетган эди... У ҳужумга ўтаётган рақибдай чимирилиб олди.

- Бошланиши катта тантананага айланибди, биринчи гиштни ҳоким кўйибди, ҳозир курилиш жадал кетаётган экан. Унинг боришини вилоят, республика телевидениесига кўрсатишибди. Яқинда катта газетада улар ҳақида ажойиб мақола чиқди. Мана, ўки!

Ҳалима дол бўлиб қолди. Уларни тан олишни истамаётган бўлса ҳам, асосли маълумотларга таслим бўлишга мажбур экани азобга соларди.

У титраб-қакшаб газетани кўлга олди. Биринчи саҳифасида «Бугуннинг одамлари» деган каттагина мақола билан Ҳосият ва Акмал

курилиш фирмаси раҳбари ҳамда туман бош меймори билан суҳбатлашган сурат бор эди.

Улар республикада машҳур бўлиб кетди! - деди Ҳилола ҳавас қилгандай...

Дугонасининг охирти гапи Ҳалиманинг юрагига наштирдай санчилди. Алампдан рюмкасини олди-ди:

- Тўлдириб қуй! - деди шопганча.

Ҳилола унинг кечинмаларини тушунди.

Ҳалима саратонда муздек сув ичгандай, коньякни бир кўтаришда ютиб юборди. Алампдан газак ҳам қилмади. Боши айланди, ўзини аҳволига маймунлар ийглаётгандай тасаввур қилиб, столни бир муштлади.

- Ҳалима, ўзингни бос!

- Нега пешонам шўр, дугонажон? Аллақанақа ширисқиларга омад кулади-ю мендан қочаверади? Уларнинг шоху бору меники йўқми? Яшашни билмаётганими?

- Норизо бўлма, сени ҳавас қилганлар қанча?

- Нимамни ҳавас қилади? Бошимда эрим йўқ, бешанимининг онаси шарманда қилди. Уттиздан ўзим - оилавий ҳаётим изга тушмади. Таскин бермай қўя қол! Кимлигимни яхши биламан...

- Ҳалимажон, сиқилгандан фойда йўқ! Бошқалардин устун жиҳатларингни ўйла.

- Нимам бор?

- Бизнесинг, миллион-миллион пулларинг, тумани, шахар марказида квартиранг, замонавий машинанг...

- Яна-чи?

- Бир неча марта хорижий давлатларга бориб

келдинг! Сен тенгилтар ўндан биригаям эришмап-ти-ку! Шукр кил...

- Зато, - деди Халима кўзларини дўқ қилиб у томон эгиларкан, - хотиржам оиласи бор! Эри олдида! Кўнгилхушлик қилаётганда биров шарман-да қилишидан кўрқиб ётмайди! Менга ўхшаб ўғри мушукдай яшмайди...

У аччиқ ҳақиқатни тан олган сайин кўзидан ёш қуйилар, овози чиқмаётган бўлса-да, эзилиб йиғлаётгани билиниб турарди.

Хилола уни юпатоқмай қийналарди. Бошини силеди, бармоқлари билан сочинни тараб, асабларини юмшатмоқчи бўлди.

- Бир кам дунё деганлари шумикин? - деди кўлини силаркан, - тўқис ҳаёт маликчалардаям бўлмаган, дугонажон!

Халиманинг қайноқ кўз ёшлари киприқлари, юзидати пардоз бўёқлари билан чаплашиб, жолугарга ўхшаб қолган, денгиз тўлқинидай бостириб келаётган ғам-ағам вужудини ларзага соларди. У Хилоланинг сўнгги тапини эшитиб, йиғидан тўхтади. Бошини кўтариб дугонасига қаради. Изтироб, англаш азоби кишини ҳайрат ва ларзага соладиган даражада теран эди.

- Балки бошқачароқ яшаш керакмиди?

- Масалан, қанақа? - Халима шахд билан бошини кўтарди, - дўстим бўлсанг, ўргат!

Хилола дугонасига зимдан разм солиб, маслаҳатга муҳтожлигини билди. Диллаб кўйганларини айтишга қарор қилди-да, «Фанга»дан бир хўлшаб Халимага юзланди.

- Аваз сента ким?

- Севган йиғитим! - ҳеч иккиланмай жавоб берди у.

- На ўз эринг, на сўратиб олган жазмансифат эринг, шундайми?

Аёл боядан бери аччиқ ҳақиқатни тан олиб юрагини бўшатгани учун эътироз билдирмади.

Уни жонимдан ортиқ севаман! Бошқасини тан олмайман!

- Ва хато қиласан!

- Нега?

- Ҳаёт - сенинг хулосаларинг билан яшмайди, ўз қонушлари, фалсафаси бор!

- Менга қизиги йўқ!

- Аксинча, дугонажон!

- Йани?

- Сенинг хулосаларингнинг унга қизиги йўқ! Шифқисиз тўлқинлари четга улоқтириб ташмаслигини учун қонушларига амал қилишга мажбурсан!

Халима ўйланиб турди-да, бир хўллам «Кока-кола» ичди. Бир културм ичимлик ақл берди, шекилди!

- Бонги тапингга кўшиламан: ҳаётимиз - бир кам дунё! Эхтимол, эрим билан ўртаҳол, ҳатто бечорароқ ишаратганимда ҳозирги даражадаги аёлларни ҳавас қилармишим?!

Хилола мавриди келганини сезиб, отини қамчилди.

- Дугонажон, бир фикр айтсам, кўнглингга оғир боғмайдимми?

- Айтавер, - хўрсинди Халима, - бу кулоқ ҳақоратларинг ҳамма турини эшитган, сен оғир гап айтмасан?!

- Уйлаб кўр, сен учун фойдали...

- Чариналма, гапиравер...

- Собонқ эришг билан ярашиб олганинг дурустмикин?

Гурзи урилгандай Халиманинг боши карахт бўлиб қолди. Кутилимаган фикр! Аваз акасидай ишбидармон, келишган йигитдан кечиб, ўша пандавақи-га ярашиш етти ухлаб тушига кирмаган!

- Йўқ, ҳеч қачон бундай бўлмайди! - деди Халима Хилоланинг кўзига тик қараб, - Номавкул бузоқнинг гўштини ебсан! Ўша исқирт Акрам Аваз акамнинг тирноғигаам тенг эмас!

- Сендан ажрашгач, икки марта уйланибди, аммо фарзанд кўрмабди!

- Яна уйланаверсин, менга қизиги йўқ!

- Шошилмай тур, охиригача гапириб олай!

- Аммо бефойда сўзлайсан!

Халима кайфи тарақ одамдай бир чайқалиб кўйди.

- Онаси икковининг сента муносабати бутунлай ўзгарган. У уч йил Россияда ишлаб, анча тобланибди, тўлишиб, барваста бўлиб кетибди. Уйларини Евростилда ремонт қилибди. Ҳозир унга қиз бола ҳам тегаверади.

- Овора бўласан!

- Илгари уни ёмон демасдинг, қайнонангдан задалдинг-ку!

- Тўғри...

- Ҳозир уни бир кўртгин, ҳавасинг келади.

- Йўғ-э!

- Ишонмасанг учраштираман!

- Керак эмас!

- Бир хил гапни қайтаравермай, ўйлаб кўришиниям ўртган, ўртоқжон!

- Барибир...

- Хотини йўқ, у сени бошига кўтариб юради!

- Наҳотки, шунга уддаласа?! Унда Аваз акам нима бўлади, дугона?

- Э, тўтиқушдай ўшани гапираверма! Йигирма кундан бери бир марта телефон қилмаган, кўнгиришнингта жавоб бермаган одамни мақтайверасанми? Унинг ўз оиласи, қизи бор...

Халима бўшалди. Дуғонасига хайрихоҳлик билан тикилди. Хилола вазиятдан фойдаланиш учун донем этди.

- Мавлуда хола эрта-индин касалхонадан чиқармин!

- Ҳуш?

- Гап-сўзларга қараганда, у сени келган жойингта кўчириб юбормагунча тинчимас эмиш...

Хилола унга синовчан назар ташлади. Халиманинг туси ўзгарган, кўзиди хавотир, хушёр тортиб қолган. Бу айни мулдао эди.

- У хотин шундай шалдақи, зўравонки, ўртангиздаги ҳамма пуллар, молу мулкни ўғлимники, деб оғиб кўйишдан, Халима ўғлимнинг турмушини бузишти, невараларимнинг ризқини ўғирлапти, деб сени сулга бериб, каматиб юборишдан тоймайди. Сента бир нарса бўлса қуялганинг йўқ! Аваз сени деб онасига қарши юрмайди!

Халима хафсаласи пир бўлган одамдай шалвираб қолди. Анча чўккан, бояги шаҳди қолмаган. Хилола уни таслим қилиш учун охириги зарбани берди.

- Нима бўлгандаям Акрам - кўз очиб кўртанинг, икки марта уйланса, иллатли бўлиб қолмайди-ку! Бов ўзинг айтгандай хотиржам оиланг бўлади. У - иғона қизингнинг отаси! Қизим тирик етим ўсмагани, ота меҳрини кўрсин десанг, Акрам билан яраш! Шунда ҳеч ким турмушингта даҳл қилолмайди, Мавлуда хола ҳам ниятидан кечеди!

Халимада икки хил фикр тугилди: у бировга

собик эрим билан яраштириб қўяман, деб ваъда берган ёки менга жони ачишти!

Фикрларнинг қайсиниси тўғри эканини ўзи ҳам билмайди.

Режа унга қандай наф келтиралади? Хозирча шуниси номаялум...

- Акрамнинг онаси: Неварамга ўзим қарайман, оиламизда бирорта келишмовчилик бўлмайди, ўғлимнинг эси кирган, дебди, - давом этди Хилола аллақандай куюнчақлик билан, - энди ёш эмассан, келажакнинг, қизингни бахти учун ўйлаб кўр, менимча, ютқазмайсан!

Халима кайфи тарқаб, хушёр тортди, иккала фикри ҳам тўғри эканига ишонч ҳосил қила бошладди. Таклифлар моҳияти онгига сингиб борарди. Тўғри қарор қилмаса, одамга ўхшаб яшайдан кечича капитандай изтиробга чулганди.

- Душманларнинг жамиятга фойда келтириб обурурттираётган бир вақтда, сен ҳеч бўлмаса оилавий масалангни тўғри ечиб ол. Шунда Хосиятдан бир қадам олдинга ўтиб кетасан!

Бу гап Халимага мойдек ёқди. Чехраси ёришгандай хаёлга берилди...

Улар таксида кетишди. Халима уйи олдида машинадан тушаётганида Хилола кўлидан ушлады.

- Ўйлаб кўриб, уч кунда фикрингни айттарсан...

Бу гапни кутмаган аёл бир неча дақиқа сукут сақлади-да:

- Яхши, айтаман! - деб эшикни ёлди...

Халима оғир меҳнат қилгандай чарчаган эди. Уйига киргач, ўзини диванга ташлади-да, Хилола-нинг гапларини қайта-қайта хаёлидан ўтказди. Рухиятини вазминлик қоплаган, ҳаётини янгича ил-

рок этишга қийналар, собиқ эри билан яралиши қарқингли таклиф рашиини келтирган бўлса-да, келажоги учун заруриятдай туюлар, бахти ёки бахтсизлиги шу масалани тўғри ё нотўғри ечишига боғлиқ-дир эди.

Мирсияга дурустрок фикр келмади. Ўзини эркин кўлиб, чарчоқни енгилга урина бошлаганда эса, кўзи илгинди...

* * *

Хосият эрталаб ресторан ишини назоратдан ўтказин-да, вилоят марказидаги дўкондаги ҳисоб-китоб билан танишиш учун шаҳарга йўл олди. Ёулдан чиқиб, катта йўлга бурилаётганда телефони сирраб қолди. Акмалдан кўнгироқ кутаётгани учун дарров экранга қаради. Нотаниш рақам, аммо эълди. Саудия Арабистонидан, рақам кўпчилиги, анинкса, охириги учтасидан аниқ билдики, Муҳаммад Собир...

Нима қилсин? Келаверинг, бойлиқни бирга излашимиз, десинми? Ҳазина топилган жойни текис-лаб, райхон экилганини кўрса, ҳафсаласи пир бўлиб қайтармикин ё бойлиқнинг ярминни талаб қиларинкин?

Хосият ё боғланиш ё ўчириб қўйишни билмай паросимга тушди. Телефон сайраб-сайраб, жим бўлди. Кўнглидан «Муҳаммад Собир яна кўнгироқ қилдинг!» деган фикр кечди. «Акмал билан масла-катлашиш керак...»

Иккинчи тудокдан сўнг у билан боғланиб воқеани тушунирди.

Келаверсин, - деди Акмал хотиржам, - ҳаққини

талаб қилгудай бўлса, Омон Жаҳонгиров билан юзма-юз қиламиз, ақлини киритиб, узр сўратиб жўнатади.

Дўконга келиб, иккинчи қаватдаги хонасида чоғ ичаётганда боя дилидан ўтказгандай, Муҳаммад Собир кўнгироқ қилди.

- Бемалол келаверинг, - деди Хосият салом-аликдан сўнг, - ўзим сизни кутиб оламан, Тошкентга бораймми, водийда кўришайликми?

- Овора бўлманг, хоним, хорижликлар билан янги лойиҳа бўйича иш бошлаётганимиз муносабати билан сафарни номарълум муддатга кечиктирганимизни айтиб кўймоқчи эдим!

- Ажаб! - деди Хосият Қувончинини сездирмаслик учун, - сизга юртни зиёрат қилдириш ниятида эдим...

- Насиб қилган кўни борармиз...

Хосият гурур билан севинди. Ва дарров Акмалга кўнгироқ қилди...

Тушдан кейин Акмал офисга келди, эшик очик тургани учун Хосиятнинг хонасига бош сўқиб ўтишни лозим кўрди. У боғли мулоҳазаси самара берганидан қувониб, таассуротларини айтишни истаётган эди.

- Кейинроқ келиши бизга яхши бўлди! - гап бошлади аёл.

- Нега?

- Хиёбонни битириб оламиз...

- Яхши фикр, аммо у бутундай келмаслиги мумкин!

- Нега?

- Улар биздан ақлироқ, бекорга овора бўлишмайди...

- Яъни?

- Биз тиллани олиб ишлатаётганимизни, унга ҳеч нирси бермаслигимизни билган!

- Қандай қилиб?

- Олдин-ку!

- Сошлароқ тушунтиринг-чи?

- У харитани кўрсатиб, катта хато қилганини ишлаган, бу фикрини Ўзбекистонга келишини атай-лаб кечиктирганимиз билан тасдиқлаган, бошқача ишганда, бир дона ҳам танга тегмаслигига кўзи етган...

- Яна қандай далил келтира оласиз?

- Омон Жаҳонгировдан сабоқ олганимизни, ҳатто Давронбейдаги юртимиз бойлигини олгани борганимизни Туркиядаги қариндошларидан эшитган! Хосиятни ҳайратда қолдирган Акмал эшикка етганида ортига қайрилди.

- Биз Муҳаммад Аълоевич билан мрамар заводига кетшимиз.

- Тезроқ қайтасизларми?

- Ҳаракат қиламиз, аммо ваъда беролмайман...

Акмал ақл-заковати билан Хосиятни бир неча марта қойил қолдирди.

Кейинги пайтда аввалги ишқий муносабатлар тўғриси пайдо бўлган қадрдонлик емириляётган бўлса-да, Акмалнинг эл-юрт учун қилаётган ишлари, муаммолар ечимини топишда ақл-заковатини ишлатаётгани хурматини бир неча баробар оширатгани эди...

Мажмуъага сизнинг меҳнатингиз кўпроқ сингяпти, - деди Хосият кеча-ю кундуз елиб-югураётганини кўриб, - шаҳар ободончилиги тарихига номини олган ҳарфлар билан ёзилади...

- Устимдан кулманг,- дейди Акмал жилмайиб,- ҳамма гап маблагда! У бўлмаса елиб-югурганимиз бир пул, боболардан қолган меросни юртта сарфлаган сизга раҳмат!!!

Хосият унга тенг келолмаслигини англаб, индамай жилмайиб кўяди...

Курилиши бошлангандан бери ҳисоб-китоблар, тижорат ишларини Хосият ўзи бошқараётган, Курилиш залвори, эрта-индин келтирадиган нуфузиз қизиқтира бошлаган, Акмални бир неча кун кўрмаса ҳам, соатлаб суҳбатлашмаса ҳам чидайдиган бўлиб қолган эди. Бошқача айтганда, қалбининг катта қисмини хиёбонга қизиқиш эгаллаган. Ҳар кунни курилишга борали, кўтарилаётган биноларга қараб ғурури ўсали.

- Ажабо,- дейди ўзига ўзи, - катта ресторанны сотиб олганимда бунчалик севинмагандим, хиёбоннинг ярми битмай, бир олам қувончга тўлапман, тўла битса ўзимни кўярга жой тополмай қоламанми?! Ўзинг куртанинг, Яратганинг бошқача завқ бераркан! Юртни обод қилганлар эл назарига тушишидан ташқари, илоҳий завқига ҳам мушарраф бўларкан-да!

Шаҳарликлар, айниқса, ёшлар хиёбон тезроқ битсайди, деган истак билан курилишни томоша қилгани келишарди. Акмал билан Хосият ҳақидаги аввалги нохуш гаплар эзгу ишлари замирига кўмилиб, энди яхши фикрлар айтилар, ишларига ривож тиланарди. Иккаласининг файратига файрат қўшилди. Хурмат, эл меҳрига сазоворлик бахтилан дадилланиб боришарди.

Хиёбон курилиши шаҳарда катта шов-шув бўлаётганлиги. Кўзга кўринган мутахассислар, раҳбарлар,

бизнесмен ва тадбиркорлар курилиш ижодкорлари га ҳавас ва эҳтиром билан қарашди, Иномпўлат Турсуналиев тез-тез келиб, муаммоларни ечишга жон-дили билан кўмаклашарди. Барчаси Акмал ва Амиз туфайли, Омон Жаҳонтиров ўғитлари таъсиридан бўлаётгани учун Хосият улардан миннатдор.

Хосият баъзан мажмуага ўғини бошлаб борали. Иш жараёни, сарфланаётган маблағлар ҳақида гапирарди, хиёбон ишга тушгач, бошқаришни ўрганиб боришни қистириб ўтardi. Ўсмир қалбига қуриш, яратувчанлик билан эл-юрт хурматини қозониш - улут иш эканлигини синглиришни ўйларди.

Комрон онасига қараб, ифтихор ҳиссини туюди, келажакда эзгу ишларини давом эттириш тўғрисидаги насихатларини дилидан ўтказиб, унга муносиб бўлишга ўзини чоғларди.

Хосият хурсанд: рақиблар билан жанг қилишга баҳонаям, вақтиям йўқ! Мавлуда хола касалхонага тушиб, дўтонаси тилларда дoston бўлганида фийбитлардан баландда юришни лозим кўрди...

Курилиш жадал кетаётган кунларда қутилмаган қолмиса рўй берди: Ҳалима катта тоғорада ош қилиб курилишни йўқлаб келди! Табриклар, ниётлари самимий эди...

Хосият дўгонасидаги яхши ўзгаришларни сездию, кўнгли кўтарилди.

Ҳалима «Бемальни олишувларни йиғиштириб, бунёдкорлик қилса бўларкан-ку», - дея ҳавасга чулғинди. Севинганидан шахсий ҳаётидаги янгликни биринчи бўлиб унга айтди.

- Акрамжон билан турмушимни тиклашга қарор қилдим!

Ҳайратланиш навбати Хосиятда эди. Бир нафас

термулиб турди-да, «Табриктайман, қандай яхши-я!» дея дугонасини бағрига босди.

- Узоқ уйладим, - бир нуктага термулиб, маъносизларди у, - Бебошлик қилдим, бировнинг турмушига суқилиб кўнглини оғритдим. Пешонам деворга урилиб, хулоса қилалиган вақт келди. Қизим катта бўлиб қолди, бировнинг кўзига қараб тортиниб яшагандан, ота меҳрига тўйиб ўсгани яхши эмасми?

Халима дугонасининг ярасига туз сепиб кўйди.

- Тўғри, - дея хўрсинди Хосият...

Хасёти кино лентасидай кўз олдидан ўта бошладди. Қурилиш биттади, мажмуа ишга тушадди, аммо турмуш ишга бўлади? У яна суққабош яшайверадими? Ўғли отасиз ўсатти-ку! Мажмуадан келадиган обрў, жарак-жарак пуллар унга эр, ўғлига ота бўла оладими? Ҳеч қачон! Пулда меҳр, иссиқ бағир йўқ-ку! Пул - бутун менда, эртага бошқада. Қўлнинг кири деб бекорга айтилмаган... Халима муаммо ечимини тўғри топди...

- Устозингга балли, дугонажон, яхши маслаҳат берибди...

Халима унга ўқрайиб ёки чимирилиб қарамаган бўлса-да, Хосиятни тушунди.

- Хақиқий қувонч, хотиржамлик оилада эканини аниглаш учун катта ақлнинг кераги йўқ, қайнонам, эримга хизмат қиламан, қизимни яхши инсон қилиб тарбиялайман, шунинг ўзи катта бахт эмасми? Бошқа муваффақиятга оила билан биргаликда эришиш мумкин...

Хосият қизариб кетди. Шу ипирисқи билган нарсани мен нега тушунмайман, мустаҳкам оилам бўлмаса, обрў, мол-дунё сув устидаги кўпикми?

Халима у билан кўчюклашиб, хайрлашаркан:

- Яхши ниятлар сенга ҳам ҳамроҳ бўлсин! - дея шийрладди.

Хосият ерга киргудай бўлиб, Халиманинг маинингаси кўздан йўқолгунча қараб қолди. Хаслига «Хар инсон ҳасётдан олмаса тальим, Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим» деган сатрлар келди-ю, иттироб билан хаслга толди.

Унинг назарида, хатоларни аниглаш, тўғри йўлга ўтиш учун Худо Халимани йўллагандай эди...

* * *

Аваз илк кунлари онасининг палатасига киролмади. Унга Сетора қаради. Уч кундан кейин Мавғудда қолди:

- Аваз тирикми? - деди кўтилмаганда.

- Шу ердалар, ҳозиргина дорига кетувдилар, причипар хонага бир кишидан ортиқ одам кўйишма-янтди...

Осма уқолдан кейин Мавғудда хола ухлаб қолди. Ёнр неча соатдан сўнг кўзини очганида оёқ томониданги стулда ўғли турарди.

- Тузукмисиз, ойи?

Они ишламаётган қўлини наригиси билан кўрпадан чиқарди-да, хаста товўш билан:

Хали ўлганим йўқ! - деди. Зарба Авазга оғир боғди, аммо бошланиши эканини сезиб, ўзини динил тутгишга уринди. - Кейинги сафар тирик қол-индим!

Мавғудда хола бошимга етасан, деган маънода ипирганини Аваз тушунди ва қизариб кетди.

Ундай деманг, ав! Умрингиз узоқ бўлади...

- Шу сиёқинг бўлса, ажалимдан беш кун олдин ўлдиришинг тайин, бола!

Эртагаб Сетора: «Онанингдан кечирим сўраб, дуоларини олинг!»- деганини эслади-ю бошини кўтарди.

- Мени кечиринг, ая!

- Неча марта кечирай, Аваз, сени Худо кечирармикин? Қачон эсинг кирали, одам бўласанми? Ё ўша шайтон билан гуноҳга боғаверасанми? Сендан ҳамма норози, бир балога тикилмасанг гўрғайди...
Врач кириб қолмаганида онанинг толиқиб қолиши тайин эди.

- Сизга асабийлашиш мумкинмас, холажон! - деди у, сўнг онанинг юрак уриши, қон босимини ўлчаб:

- Яхши!- дея Авазга юзланди, - яна уч кун Сеторахондан бошқа киши кирмасин, хўлми?

Авазининг назарида, врач атайлаб уни чиқариб юбориш учун кирган эди...

Сетора хонага кирганида она ўзини бардам сезар, ҳатто туришга қувватим етди, дея врачни ишонтираётганди.

- Йўқ, онажон, ҳали туришингизга озгина бор, тўрт кундан кейин қайта текширувдан ўтказиб ўзим руҳсат бераман, кейин рақс тушсангиз ҳам майли...

- Илоё, айтганингиз келсин, болам!

- Фақат яхши нарсаларни ўйланг! Бу дунё муаммоси тутмайди, қолганини ёшлар ўзи ечиб олади.

- Кошки, ечолса...

Аваз арзимаган нарсаларни баҳона қилиб, авсининг олдига кириб турди, аммо ундан яхши тил эшитмади. Бир ҳафтадан кейин она олдига чақирди.

- Ўша инфос билан ишламайсан, пуллари бошида қолсин!- деди ўзини аранг босиб.

Аваз онасига норози қиёфада қаради. Аммо нафратига чиқолмай, кўзини олиб қочди.

- Сенга оила, она керакми, ўша манжадақими?

- Сизлар керак, ая!

- Энди унинг олдига ўлгимни босиб борасан, тушундингми? Касалхонадан чиққанимдан кейин...
Мавлула холанинг холи қурди. Сеторанинг имоени билан Аваз ўрнидан турди. Эшикка етганида онасига қаради-да:

- Энди алашмайман!- дея илтижо қилди...

Мавлула хола касалхонадан чиққач, Хилолани чиқиртирди...

Аваз билан Халима ўртадаги маблагни тенг тақсимлашди, ҳар бирига юз минг долларлик пул ва моллар тегди. П'аҳардаги уч хонали квартира аввал олингани учун Халимага қолди. Сўнгги марта икколлари бир-бирларига термилинаркан, кўзларида ўқинч эмас, янги олам, кўринди...

Гавжум ҳаёт, бизнес оламида юрган Авазни ҳаёт тулқинлари ҳасдай улоқтириб ташлагандай, ўзини қўлидан иш келмайдиган нотаваонга ўшатар, руҳинида тушқунлик бошланаётгандай, хотини ва онасени билан гаплашгиси келмас, Халимадан ажратгандари учун хафа, дейишмасин дебгина сўхбатлашиб турарди.

Бир ойдирки, Халима билан алоқа йўқ, талпиниб турса ҳам, ҳаммаси тутди, дегандай ўзини босади. Эри билан ярашаётганини эшитиб, аввал таажубдан, кейин ғамгинликда қолди. Бу ишни ташкил қилганлар бетона эмаслигини билгач, тақдирга тан берди...

«Севишгандлар хиёбони» ҳақида касалхонада эшитган, шаҳардаги шов-шувлар қизиқишини уйғотган эди. Бир неча марта улар олдига бормоқчи, яхши ният билдириб келмоқчи бўлди. Аммо кўзга кўринмас куч йўлини тўсаверди. Уйда ўтириш жонига теккач, Акмалга кўнғироқ қилди.

- Ишхонага кел, - деди у хайрихоҳлик билан, - гаплашамиз...

Акмалнинг «гаплашамиз»и замирида ишсиз ўтирганингни биламан, бу масалани биргаликда ечамиз, деган фикрга ишора бор эди.

Аваз энг чиройли, замонавий кийимларини кийди, сочларини силлиқ тараб, сўнгги модалдаги атир себди, туфлисини ялтиратиб мойлади. Чўнтагига бир даста пул солди. Бу пайт Сетора «Ласетти» салонини тозалаб бўлган, олд ойнасидаги чангларни артаётган эди. Кўча эшикка кузатиб чиқаркан, савол назари билан термулди.

- Кўркма, - деди Аваз жилдий қараб, - энди мени кўчада аёл кутмайди, сен дунёдаги ягонамсан! Бахтим, омадим ўзинг.

Аёли ич-ичидан қувонган бўлса ҳам, кўнглида аллақандай хавотир бор эди.

- Шунча ясан-тусан нимага?

- Акмал билан хиёбон қурилишида учрашмоқчиман. Бир умр уйда ўтирмайман-ку!

Шу пайт қизи ичкаридан югуриб чиқди.

- Адажон, мунча кийиниб олибсиз, концертга мениям олиб боринг... - деди кўзларини ўйнатиб, - ҳамма қизларнинг дадалари олиб борали-ку!

Қиз нигоҳида онаси билан ҳамкорликда дадасини қизғониш, Халимага бериб қўймаслик тўйғуси ба-

лқиб турар, ҳатто унинг ёнида бориш фикри йўқ эмасли.

- Синфдошим билан иш юзасидан гаплангани кетипман, қизим, концертга бошқа кўни борамиз, бўгун аянгга қараш, хўпми?

Қиз ноилжоз рози бўлди. Дадаси билан ўпишиб, меҳр билан хайрлашди. Онаси эшикни ёпаётганда, у орасидан мўралади.

- Тезроқ келинг, адажон, кўришгунчал! - деди кўлини силжитиб.

Аваз қиз кўзида балққан туйғуларни эслабкан, катта бўлиб қолгани, унга алоҳида эътибор, тарбиеси учун шахсий намуна, Халимадан ажралиши - ҳаётини эхтиёж, янгича ҳаёт бошлаш зарурияти эканлигини ўйлаб борарди. Шунингдек, яшашда янги босқичга қадам қўйганини ҳис этар, ўтқинчи туйғулар, сеvgи ўйинлари-ю йўлдан оздирадиган эхтирослардан узоқда юриш мажбурияти ҳам юрагининг катта қисмини эгаллаётган эди...

Шаҳарнинг марказий кўчасида сонсиз машиналар орасида аклимизга бўйсунмайдиган ҳаёт шилдигини ҳис этиб, турмушта, эртанги кунга очик кўз, теран ақл билан қарамаса, ҳалокат муқаррарлигини инглаб бораётган эди.

Акмал уни мажмуа дарвозаси учун ажратилган поилевори тикланган жойда кўтиб олди.

- Онаниг яхшимилар? - деди кўришибок. - Узр, бу ердан бўшаб кўргани боролмадим, аммо дуода бўлдим.

- Раҳмат, дўстим, яхшилтар, Худого шукр!

Акмал қурилиш майдонини айлантириб кўрсатди. Иккала кафенинг ёзлик ва қишлик бинолари тенг битяпти, кабобхонанинг девори ярим кўтари-

либди. Кинотеатр учун ажратилган жойга пойдевор куйиш ишлари ниҳоясига етган, «Янги аср» фирмасидан келтирилган беш дона ҳалинчалак яшиклари билан кафе ёнига тахлаб, устини ёпиб куйилган. Хиебон охиридаги тозаланган ўн сотихча жойда кўл казиш охирлаб қолибди. Ўнтача қайиқ ариқ ёнидаги дарахт тагига тахлаб куйилибди...

Аваз катта кўламли ишлардан ҳайратда қолди, синфдошларининг шижоатига, ақлу заковатига тасаннолар айтди, бир олам мактовлар сўзлади. Яқиндагина бир партада ўқиб, озгина ҳаёт тажрибаси ортирган дўстлари шунча яратувчанликка қодир эканлигидан ифтихор ҳиссини туйди. Куч-ғайратта тўлган, ишлаб чарчамайдиган ёшида улар қаторида эмаслиги, умрини ўткинчи туйғулар, арзимайдиган ишларга сарфлаб юрганидан афсус чекди. Акмал унинг кўзига қараб, бу туйғунни сезди шекилли:

- Америкаликлар «Тўғри йўлга ўтиб олиннинг эрта-кечи бўлмайд» дейишган,- деди бироз ўйла-ниб, сўнг Авазининг хафа бўлиб қолишидан чўчиб давом этди.- шу ишларни беш йил олдин бошлаганимизда аъло иш бўларди, майли, ҳеч бўлмагандан кўра кечроқ бўлса ҳам бўляпти-ку!

- Сизларга гап йўк, умрини елга совураётган - мен! - Дўстим, ўтган ишлар ўтди, не кунларни кечирмадик, яшайдан мақсад - ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ кераклигини бир даҳза ҳам унутмаслигимиз, КЎЛНИ КУЛГА БЕРИШИМИЗ керак!

Инсон ҳаётининг маълум босқичида рўй берган воқеалар, унинг тушунчалари, дунё қарашини ва орзу-ниятларида жиддий ўзгаришлар пайдо қилишни Авазининг ҳаёлига аввалроқ келган, аммо исботини Акмал билан Хосият мисолида кўраётган эди...

У чин дилдан гапирётганини Аваз тушунди. Имконияти, эҳтиёжи бўлмаса, ёнига чорламайди. Чорлаими, у керак! Бу - Аваз учун катта имконият, бой бермаслик керак...

Икковлари мажмуа яқинидаги кафега боришди. Пиво ичиб овқатланишди.

- Қурилишга мен ҳам маблағ кўшишим керакми? - сўради Аваз.

- Ҳозирча пулимиз етиб турибди. Тутаб қолса, Хосиятхоннинг Туркиядаги тилла буюмлар дўкони-ни сотамиз, деб келишдик.

- У даромад келтираётган мулк, кўлимдан келганича улуш кўшаймикин?

- Яхши, келажакда ҳам бирга бўламиз. Ахир мактабда бирга ўқитамиз, бизнесни бирга бошла-ганимиз...

Шу пайт кафе олдидан ўтган катта йўл бўйига ошпоқ «Ласетти» тўхтаб, ундан Хосият тушди ва ўғри улар томон юрди.

- Энди ҳар доим мендан беркиниб юрасизларми? - ҳилдлашди у.

Бизни ер тагидан бўлса ҳам топиб оласиз, Хосиятхон! - ўрнидан туриб у билан сўрашди икков-лон. Акмал билан Хосият бир-бирларига маъноли қариб олишди. Бу ерда учралишни аввалдан кели-ниб олишгандай...

Сухбат анча давом этди. Мактаб даврларини эслашди. Ўқитувчиларни қандай қийнашгани, дар-слардан қочингани, ҳиндча кино келса бутун синф кинотеатрга кетиб қолигани ва ҳоказоларни мароқ билан гапирдишди. Сухбат қизгин паллага кирганда Хосият:

- Ҳозир синфдош қизлар «гап»идан келяпман,-

деди муҳим янгилик айтмоқчидай, - мактабни битирганимизга ўн беш йил тўлганини нишонламоқчимиз. Мазза қилиб ўтирайлик, ўйнаб-кулайлик, ўқитувчиларимизни ҳам тақриф қилайлик, деган фикрлар айтишди.

- Яхши тақриф, - мавқуллади Аваз, - ўн беш йилликка мenden битта кўчкор соғва!

- Сиздан қандай соғва бор? - деди Акмал Хосиятга қараб, - тўйга тўёна билан борилади!

- Тўёнами? - ўйланди у бармоғини лабига боғганча, - у иккалаимиздан бўлади.

- Яъни?
- «Севишгандлар хиёбони»ни битказамиз, учрашувимиз - мажмуада ўтадиган биринчи тадбир бўла қолсин, нима дейсизлар?

- Ура, - деди Аваз иргиб ўрнидан тураркан, - зўр тақриф, бунга ҳамма болаларга ўзим етказаман!

- Авадл икки киши эдик, - Авазга қараб кўзини қисди Акмал, - энди уч киши бўлдик.

Хосият Аваз билан қўл сиқийди.
- Бизга қайтганингиздан хурсандман, Авазбек, аслидаям уч киши эдик, яна шундай бўлиб қолдик. Эртдан ишга келаверинг!

* * *

Халима розилик бергач, Хилолага шарт кўйди.

- Акрам эрсиз даврим ҳақида суриштиравериб, хиқилдоғимга келтирадиган бўлса, ярашмайман!

- Бўёғидан хотиржам бўл, дугонажон, у уйини борган кунингдан сента хўжайин, қолаверса, кўпни кўрди, бўлар-бўлмас гапта турмушини буюмайди... Тожи момо билан Баёзхоннинг фотиҳасини олиб

келишди. Яраштириш маросими тўйга айланиб кетди. Қариндош-ўруғлар, айрим яқинлар тўпланишди. Уни ёш келинчақдай «Каптив»да олиб кетишди. Ҳатто келинсаломга ўхшаш маросим ҳам бўлди.

- Сув ҳам бир лойқаланиб тинанди! - деди Акраминг аммаси. - Илоҳим, бахтли бўлинглар!

- От айланиб қозилгани топмасмиди? - тап қистирди кекаса кўшни. - Кўз тегмасин, узукка кўз кўйгандай ярашиб турибсизлар...

Акраминг холаси Меҳри опа Халимани бағрига босаркан:

- Ешликда ким алашмайди, болам, ўттан ишга салвот! - деди салмоқланиб. - Қизингизнинг ёнига ўғил кўшилсин, кўша қаринглар!

Уйда янгиликлар кўп. Халиманинг қайнсинглиси Мафтуна эри билан ярашиб Тошкентга ишлагани кетибди, қайниси Икром ўйланиб, фарзандли бўлиб, алоҳида ховлига кўчибди.

Акрам отасидан қолган эски ўйларни бўзиб, янги титдан қурибди. Ўзларига бағишланган уч хона, олди коридорли уй аиникса, бежирим солинибди. Даниллама бўлмаса ҳам, иссиғи бор. Энг муҳими, Халима орзу қилгандай - кўёшта қараган, олдида темир сўриток, ялангига тангалдай офтоб тушмайди. Тагида қизи мазза қилиб ўйнайди...

Халима биринчи кечани шу қадар хотиржам, даязғли ўтказдики, анча йилдан бери бунақаси бўлмаган, кўёш чиқиш олдидан уйғонганда мияси тиниккан, асаблари ипақдай мулоғим, дунё кўзига бошқача кўринарди. Ичидан ният қилди: Эй, Худо, шундан айирмагин!!!

Маросимнинг эртаси кўни нонуштадан сўнг Ха-

лима қайнонасига юзланди.

- Ойижон, бир - иккита гап айтсам хафа бўлмай-сизми?

- Вой, нега хафа бўлман, болам!

- Анча йил ёлғиз яшаб бизнес билан шуғулландим, уй-рўзғор ишларида укўвсизлик қилсам, мени кечириб турасиз, ҳаммасини ўзлаштириб, яхши хизмат қилман!

- Вой қизим-эй, шунга хафа бўлармидим, унча-мунча хизмат ўзимдан ортмайди! Билмаганингизни ўргатаман, бу ёғидан хотиржам бўлинг!

- Яна бир гап, эр пиеда юрса-ю хотин машина чопса, уят бўлар, машинамини Акрам акам минсалар, сизни истаган жойингизга олиб борадилар.

- Ақлингизга беш кўйдим, қизим, устозингизга балли!

- Кейинги масала шуки, менда анчагина пул бор, хўжайин иккаламиз бизнесни давом эттирсак, ҳам-корларимиздан узилиб қолмасам, дейман!

- Жуда тўғри, мен ҳам маданиятли, ишлаб пул топадиганларни яхши кўраман, уйда бекор ўтириш - қолоқлик, бекорчидан Худо безор, дейишган...

Акрамжон жим. Гапларга муносабат билдирмайди, икковларига кулоқ солганча мулоҳазага берилган. Халима «бир гап бор» деб ўйлади-да, пиедадаги чойини хўшлаб, кўзига қарали.

- Хамма гаплар тўғри, кўшилламан, фақат битта тақлиф бор.

Халима тақлиф ўзи билан боғлиқлигини сезди.

- Одамлар «Акрам хотини билан бойлиги учун ярашибди», дейишларини истамайман. Машинангизни сотиб, пул кўшиб, янги оқ «Ласетти» олсак! Бировлардан уялмай минардим!

Халима хурсанд бўлди, ҳатто Акрамининг фикрларини, одамийлиги ўстанидан қувонди. Қайнонаси:

- Сизларга шу ёқадими? Менгаям маъкул. Эндигина бир гап. Келинликнинг ярашгани - бир хафта уйда ўтиринг, қизим, кўчадаги ишларингизни Акрамжон битириб туралди, - деди.

- Хўп бўлади, ойижон!

Акрам Халимага қарали. Чиройли, юзида нури бор, саришталли, кийимлари, айниқса, рўмоли ўзига ярашган, ўтгиздан ўтган бўлса ҳам ёш келинчака ўхшайди... Акрам фикрларини онаси сезиб қолганидан чўчигандай, юзига фотиҳа тортди-да, Халимага уйга юринг, дегандай имо қилди...

Шаҳар бизнесменлари орасида Халиманинг эри билан ярашгани шов-шув бўлди. «Уйидагилар бизнес билан шуғулланишга кўнмаса керак, маблагини менга кўшганда фойадан бериб турардим,»- дегувчилар кўп эди. Ҳатто у Хосият билан ярашган, пулини хиебон қурилишига тиккан дегувчилар ҳам йўқ эмас. Айримлар эса, пулини Аваз айлантиради, Халима бировга бериб қўядиган аҳмоқ эмас, дерди. Лекин ёши катта тижоратчилардан бири:

- Қайнонаси ишлатмайди, шунча вақт нималар қилганини яхши билади, - деди...

Ундан мол олиб сотадиган Клара исмли тижоратчи ҳамма гапларни бир четга сурди-да, Халиманинг олдига келди.

Хайрон бўлманг, - деди Клара кулимсираб. - Урнингизни билдирмай турмоқчиман. Маблагингизни бериб, Дубайдаги ҳамкорларингиз билан таништириб қўйсангиз, ишончли одамнингиз бўлардингиз.

Халима мийингизда кулди-да, юзини четга бурди.

Тиллафуруш-3

- Узр, эртадан эрим билан ишни бошлаймиз, кайнонам тушунган аёл, ҳаммасини келишиб олдик!

- Вой, ундай бўлса хурсандман, бемалол, ишлай-веринг, мен...

Аёл хижолат бўлганча тез хайрлашиб, машинага ўтирди-да, келган жойига равона бўлди.

Халима ортита бурлиётганда тўғридан келётган оқ «Ласетти» ситнал чалди.

- Вой, Акрам акам! - деди Халима ҳовлидан чиққан кайнонасига қараб, - машинани олибдилар! Кайнонанинг юзи ёришиб кетди...

* * *

Акмал эртадаб қурилишга бориб, бутунги ишларни режалаштираётган эди, узоқдан ҳокимнинг машинаси кўринди. Иномпўлат Турсуналиевич олдинда ўтирар, одатлагидай қора костюм-шим, оқ кўйлақдан эмас, ёшларга ўхшаб кийинган, бошида соябонли кепка...

- Бутундан расмий кийимларни вилоятга бортганда кияман, - деди саломлашиб бўлгандан кейин у, - аммо хиёбоннинг очилгиш маросими ҳам бундан мустасно эмас....

Бировни қидираётгандай кўзлари ҳар томонга аланглайди. Акмал дарров мийиғида қулди: Хосиятни излапти...

Қурилишда Хосият билан учрашгандан бери унинг тинчи йўқолган, бировга билдирмасдан кўзларини термулади, муаммолар ҳақида сўрайди. Арзиматни баҳона билан олдиан кетгиси келмайди. Дастлабки кунлари Акмал рашк қилди, бир неча кун

Бокий МИРЗО

тўғтайиб юрди, кейин ўйлаб қараса, Хосият бир умр тоқ ўтмайди, унга мустақил, нуфузли эр керак!

Улар ўзаро гаплаша бошлаганларида Акмал атай-лаб холи қолдиради. Ташкилот раҳбарлари, мутахассислари маблағ муаммоларини гаплашишти дегандай, улар олдида боролмайди.

Икковлари кечати ишларни таҳлил қилиб, бироз янланишгач, Иномпўлат Акмалга юзланди.

- Хосиятхон кўринмайди-я!

У уялганнамо қулимсиреди. Акмал эса, ҳоким уни зарур иш юзасидан сўраётгандай қабул қилди.

- Ҳозир топаман, дарров этиб келади...

- Ваҳима қилворманг, ўзи келиб қолар...

- Сиз хижолат қилманг, битта кўнгироқ қилсам бис!

Ҳоким кайфияти кўтарилиб, Акмалдан нарига келди-да, аллақандай кўшиқни хиргойи қила бошлади. Унинг телефонда гаплашиб бўлганини сезиб, олдинга келди ва Акмалга савол назари билан қаралди.

- Ҳозир йўлда, этиб келади.

- Раҳмат, Акмалжон!

Улар ҳалинчак бўлақларини йиғётган устлар, кифе леворига расм чизаётган сураткашлар олдида бориб қайтишгач, Хосият штабга келганди. Учрашувига тайёрланган қиздай ясанган, кайфияти ба-ланиш. Ҳокимни кўрди-ю кўзлари порлаб кетди. Иномпўлат ҳам Акмални ортда қолдириб, унинг олдида учиб келди.

Саломлашиб бўлишгач, Акмал ресторандаги ишлардан хабар олишни баҳона қилиб машинасига ўтирди. Улар эса вагон уй - штабга кириб кетишди... Жуфти ҳалолои бандачилик қилганига икки йил

бўлдики, Иномшўлат уйланиш ҳақида ўйламайди. Қариндошлар, ака-укалари ўртага олиб, бир неча марта мажбур қилишди. Ҳар сафар катта бир баҳона топиб, ўзини олиб қочади. Уртоқлари сўраса:

- Вақт йўқ, - дейди жилмайиб, - мавриди келганда айтаман!

Аёл қариндошлар пичирлашиб қолишди: «Хотинига уйланмайман деб сўз берганмикин?» «Бирорта ёшроғини севса керак, ҳокимликдан бўшатгандан кейин тўй қилди!»; «Лаганбардорлари шу чоққача нега онаси ўпмаганидан топиб бермадидикин?»

Гап-сўзлар қуллоққа чалинса ҳам парво қилмайди, бари уйдирма. Аслида, қанот жуфт бўлади деганларидай, ёстиқдошта муҳтож! Кўпинча, ярим тунгача ишлаб толиққали-да, уйга бориб ҳатто овқатланишга улгурмай ухлаб қолади. Муаммолар чарчатган, рақиблар ўйинидан зарба еган чоғларида раҳматлик аёлни эслаб, ичيدا йиғлайди. Дардини кимга айтишни билмай, нола чекади. У тириклик пайтида ҳамма дардини айтиб, кўнглини бўшатарди.

- Сиқилманг, дадаси, - дерди раҳматли, - туман режалари бажарилганда эл-юрт олдида юзиниғиз ёруғ бўлади. Ҳамма гўборлариниғиз тарқаб кетади.

Санобар тоза дил, самимий аёл бўлгани учун яхши кўрарди. Умида эрига гап қайтармаган, ёқмайдиған сўз айтмаган, саранжом-сарипшта эди.

Қариндош-уруғлар маросимига олдий кийиниб борса, кибуру ҳаволи аёллар беписанд қарашар, «Шуям ҳокимнинг хотининиғи?!» - дея лаб буришарди. Аммо у парво қилмас, тилла тақинчоқлару, зебу зийнатларга қизиқмас эди.

Эрга хизмат қилиш, уни авайлаш, кўнглини кўта-

ришни асосий вазифа дерди. Иномшўлат ярим тунда келса ҳам ухламасдан кутар, келмай қолса, тонггача кўз юммас эди. Ана шундай аёли тўсатдан қон босими тушиб, ҳаётдан кўз юмганида Иномшўлат ўзини йўқотиб қўйди. Бир неча кун миёси қарахт, юрагига ўқ санчилгандай заиф юрди. Ишдан ортиб, унга меҳрибончилик қилолмаган, тўй-пўйларга стақлашиб бормагани учун афсус қилди ва ҳамон ўзини гуноҳкор санайди.

- Енгилроқ ишга ўтсам, - дерди баъзан у, - доим ёнингда бўламан, рўзғор ишларига қарашаман. Имоният тугилди дегунча энг зўр санаторийга олиб бораман...

- Хижолат бўлманг, дадаси, менинг бахтим - борлигиниғиз, соғ-омон юрганнингиз!

Санобар эрдаги қарздорлик ҳиссини йўқотиш учун бундай гапларни бир неча марта тил учдида эмас, чин юракдан гапирган.

Иномшўлат хулоса қилдики, аёли яхши ишларга илҳомлантириб, кучига-куч қўшган, оиласидан хотиржам ишлаши учун имкон яратган.

У ўтгандан кейинги икки йилни таҳлил қилса, кўп қисмини кайфиятсизлик, тушкунлик эгаллабди, атрофида хушомадгўйлар сероб бўлса ҳам аёл меҳрини ҳеч ким беролмабди. Шундай кезлари Хосият учраб қолди-ю, юраги «жиз» этди...

Жўшқин хиссийетлар тугилиши хотини хотирасига хиёнатдай таасурут қолдириб, юрагини гаш қилди. Санобар «Икки йилдаёқ мени унутдингизми?» дегиндай ҳаёлидан кетмай қолди. Аммо вақт - ғамгин кечинмаларни келажакка умид тўйгуси билан алмаштирди, бир умр ёлғиз, хотин хотираси билан яшаш оғирлигини англапти.

Бир ойча туйгуларини ичига ютиб, Хосиятта сезирмади, кўз-кўзага тушганда аёлнинг қизариб кетганидан билдики, берафк эмас, қалбида унга нисбатан илиқ туйгулар пайдо бўлган...

Ишқий муносабатлар ҳақида бир оғиз гаплашиш-маган бўлса ҳам, бир-бирларига ғойибона интиладиган, якка суҳбатларни соғинадиган бўлишди. Икки кун кўришмаса, Иномпўлат кўнгироқ қилади. Хосият арзиммаган муаммони айтди, Иномпўлат кечки пайт ҳал қиламиз деб, учрашувга чорлагандай бўлади.

Икковлон қурилишни айланиб, ширин суҳбат қуришди, кейин вагон уй - штабга йўл олишди...

Бутун ҳам ичқарига қиришгач, фирма прораби иссиқ чой олиб кирди.

- Қийимларимга ажабланманг,- деди Иномпўлат чой хўшларкан,- расмий қийим ишчанлигимга хала-қит бераётганга ўхшайверали.

- Тўғри айтасиз, дала, Қурилишларга шунақа либослар яхши...

Хоким бошлаймикин, дегандай Хосиятта зимдан термўлди. У эшитишга шай тургандай.

- Тўғриси айтсам, ҳар кунни қийимимни ювиб берадиган хотиним аллақачон бандчилик қилган.

Хосият бу ҳақда аввал эшитгани учун ортиқ ҳавжонланмади, фақат энгилтигна хўрсиниб:

- Худо раҳмат қилсин!- деб кўйди.

- Раҳмат. Кўпчилик орасига кирганимда классик форма яхши, бошқа вақт мундайроқлариям бўлавер-ради.

- Очиғини айтсам,- деди Хосият жиндай торти-ниб,- шу қийимда анча ёшариб кетибсиз, мента қолса, ҳар кунни шундай юрганнингиз майқул...

Хокимнинг кайфияти кўтарилиб, миннатдорчи-лик билдирди. Сўнг бир нафас тин олиб, стулга ўрнашиб ўтирди.

- Хосиятхон, сўраганинг айби йўқ, деганлар...

Аёл ўзидан муҳим гап сўралишини сезгандай сиполашиб олди.

- Бемағол...

- Мен фақат аёллик назокатингизни эмас, ақл-заковат, талбиркорлигингизниям хурмат қиламан, қилрайман, лекин шахсий ҳаётингизга аралашаётганим учун узр...

- Узр сўрашинг кераги йўқ. Иномпўлат ака, - деди у ийманибгина гапини йўқотиб кўйишдан чўчиб,- керакги жавобни айтолмасам олдиндан узр сўрайман...

- Анчадан бери ёлғиз яшайсиз, деб эшитаман, турмуш масаласида келгуси режаларингизни бил-сам бўладими?

Иномпўлат бу гапни анча қийналиб айтди. Бир неча йиллардан бери аёллар билан фақат иш юза-сидангина гаплашгани учун Хосиятнинг аёллик салобати таъсирида алашиб кетишдан чўчигандай омонатгина гапирди. Айниқса, охирти сўзларни қилжон ичига аранг айтди.

Хосият саволни олдиётгина қабул қилолмади. Иноқлари чўтга айланди. Юрагида нурга ўшпаган қувонч уйғонди. Олдида кимсан, туманни муваффа-қият билан бошқараётган, вилоятда танилган забар-даст инсон ўтирибди. Меҳри ҳаммага ҳам тушавер-майди. Унга муносиб бўлишни ҳамма уддалолмай-ди. Аммо ҳозир Хосият нима десин? Режа тўзмаган-ман, талбиркорлик билан бандман, ишларни бир ёқлик қилганимча айтолмайман десинми? Ёки «Сиз-

ни тушундим, ака, аммо мен сизга муносиб эмас-ман!» - деб кўя қолсинми? Йўқ, ўйламай тапириб мумкин эмас! Бахт қуши учиб кетса, бир умр афсус қиламан-ку!

Иномпўлат раҳбар сифатидагина эмас, инсоний фазилатлари билан ҳам аёлга ёқибни истаётгани, бу жиҳати Хосиятни оҳанрабодай тортаётгани билиниб турарди. Аммо аёлнинг хаёлидан ҳоким билан турмуш масаласида гаплашишга ҳали эрта деган фикр ўтди. Уни яхши билмаганимдек, мениям тўла ўрганмаган. Фанимлар орамини бузиб кўйса, кўнгли очганига афсусланмайдимми? Мента қизиқишлари ўткинчи тўйғулар бўлса, эртага бошқасини ёктириб қолмасмикин?...

Тигиз дамлар. У яшин тезлигида фикрлаш зарурлигини тушунди.

- Мен... мен бу ҳақда ўйлашни унчалик ҳуш кўрмайман.

- Нега? Келажак ҳақида ширин орзулар қилиш ёқимли-ку.

- Биринчи турмушим бўлмагандан кейин аёли ўлган Саид ака билан турмуш қилдик, аммо...

- Озроқ эшитандим, у киши ҳақида илиқ гаплар айтишган.

- Умри қисқа экан, саратон олиб кетди раҳматлини...

- Сизга бўлган тўйғуларимни сезгандирсиз?

Хосият багтар қизарди, ҳаяжон ичида ерга қараб, бош қимирлатди.

- Ҳозир жавоб беришингиз шарт эмас. Аёл юрагини қувонч ва кўрқув қоплади. Сухбат тугасайди, елгиз қолсайдим, деган фикр миясини банд қилаётганди. Аммо Иномпўлат дилига туккан

гапларни айтмагунча қўйворалитган сиеқи йўқ.

- Елгизлик жонга тегди, пахта терими тугагач, маҳнат таълиғига чиқиб ўйланмоқчиман!

У албатта, сизни оламан, деган ниётда гапирётгандай таассурот қолдиради.

У қачондир тўйғуларини айтиб, ниятини билдиради, деб ўйларди Хосият, аммо қутилимаганда сўз очибни хаёлига келмаганди. Хосият ўзини қоникти-ралиган жавоб тополмай, ўзини ёмон кўриб кетди.

- Хосиятхон, - дея қулимсиради у, - менинг саломатлигим яхши, юзга киришни ниёт қилганман, сизга ҳам ундан кўпрогини тилайман!

- Айтганингиз келсин, мени тўғри тушунишингизни истардим...

- Сизни ўзингиз ўйлагандай тушунсам тўғри бўладими?

- Ҳмм... ўзингиз биласиз...

- Мен билсам, тезроқ ижобий жавоб айтишингиздан умидворман!

...
- Масалани шопилдинч ҳал қиларкан деб ўйламанг, яхши ишни тезроқ бўлгани яхши.

- Тушунаман...

- Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Хосият унинг фойдасига жавоб қилганидан уялгандай мийиғида кулиб қўйди.

Иномпўлат уни тушликка таклиф қилмоқчи эди, пақт эрталиғи учун бошқа кўни кечки овқатни бирга ермиз, дея хайрлашди...

Иномпўлатнинг машинаси йўлдаги саноксиз автомобилларга қўшилиб кетгандан кейин Хосият ўриндикка ўзини ташлади. Шунча вақт игна устида тургандай эди. Енгил тортиб, қалбидаги қувончнини

Хис қилди-да, «Эй, Худо, ўзингга шукр!» - дея юзларини кафти билан беркитди...

* * *

Аваз Халиманинг собиқ эри билан ярашаётганини эшитиб, аввалгига ҳайратда қолди. Бу ҳақда бирор марта гапирмаган, ҳатто номини тилга олмаган, бирданига ярашмоқчи бўлса, бошқалар ҳам таажжубда қолган бўлса керак...

«Сизга хизмат қиламан, чизган чизингиздан чиқмайман!» - дерди-ку. Аёл зотида садоқат йўқ экан-да!

Замонавий бўлмаса, мендан қуруқ қоллишини билиб, сочини кестирган, сўнгги молада турмақлаган, шимнинг энг тори, европейскийсидан кийган, қисқаси, мендан жонини аямайлиган аёл нега бирданига ўзгариб қолди?

Онамга қараганимда изламаганим, кўнғироқларини олмаганим учун жаҳли чиқдимикин? Менга қасима-қасд ярашптими?»

Аваз роса ўйлади. Онаси «Унинг олдида ўлигимни босиб борасан!» дегани, воқеаларни Хилола билан онаси ва хотини ташкил қилганини ўйламай, ўзининг фойдасига бўлганидан севина бошлади.

Маблагни бўлгани келаркан, «Халима кўзимга қандай қараркин?» деган саволга жавоб изларди.

У маънос. Писмайиб, тортиниб турар, бирданига ўзгарганини изоҳлашдан қочаётгандай, Аваздан чўчир эди. Аммо Аваз саволга тутмади. Хижолатда қолдиралиган, орини кўзгайлиган сўз айтмади. Маблагларни хисоблаб, тақсимлаётганларида, «Хамма иш тулагандан кейин дилгига тутиб кўйганларини

гапирса керак», - дея чўчиб турди. Аваз хайрашаётганларида ҳам бир сўз демеди. Аммо ичида «Халима маблаг тақсимлашда мардлик қилди, меҳнатларини қадрлади», деган миннатдорлик туйғуси мавж уради. Шунинг учун ташқарига чиқишганда, Халимага кўл узатди-да:

- Орамида яхши-ёмон гаплар ўтган бўлса уэр.

Акрамжон билан бахтли бўлинг, хурсандман!» деди.

- Сиздан миннатдорман, ака, - деди Халима бошини эгиб, - қиёматлик ака-сингли бўлиб қолайлик!

У машинасига ўтириб кетаётганда елкасидан тоғ тушгандай енгил тортди...

Аваз уйга кўлида анчагина пул билан очилиб-сочилиб кириб борди. Хаммасини очик айтиб, онасидан дуо олди.

«Инсон ҳаёти шунақа экан-да!» - ўйлади Аваз, - қутилимаган, хайратга соғалитган, сабоқ бералитган ноқса-ходисалар билан тўла! У - бахтли бўлсин, мен ҳам оилам билан хотиржам яшайин!»

* * *

Хосият қувончинини ким билан баҳам кўришини билмайди. Акмалга айтишга ўтмиш халақит бералди. Халимага мақтанай деса, ҳали сал эрта, бошқа дўтонларни - сирдош эмас. Қариндошлар орасида жўйли маслаҳат бералитган доно йўқ!

Туни билан ухламади. Юрагини қувонч қоплаб, руҳияти жўшқин.

Хар қандай янгиликни биринчи Акмал билан ўртоқлашарди. Бутунгиси ёқалими йўқми - аниқ билмайди. Саргузаштлар, севаги ўйинлари кечати-

дай кўз олдида. Янгиликдан аччиғи келиши, юзига айтмаса ҳам, «Мунча тез ўзгармаса, ҳаммасини унуттиш осонми?» - деб ўйлаши мумкин...

Аmmo Хосият хотиржам: Иномтўлат билан муносабатларини Акмал зимдан сезиб юрибди. Аччиғи келганда Қовоғини соларди. Бабзан кулимсираб қараб кўяди, холос.

Унга яхши: хотини, қизи кутиб олади. Эрталаб кузатади, бемалол ишлайди. Мен ҳам бахтли бўлишга ҳақлиман!

- Турмуш қурсак, хозирги уйда яшармикинмиз? - пичирлаб ўйлади у, - Қизи тушмушга чиққан, яқинда уйланган ўғлининг фаши келмасмикин? Меникида яшайлик, деган гапни ҳатто айтиб ҳам бўлмайди. Фурури кучли! Эҳтимол уйни ўйига қолдириб, ўзимиз уй тикласак, оиламиз мустаҳкам бўлар!

Хосият миясига шундай ажойиб фикр келганидан севиниб кетди...

Пахта терими тугади.

Оқсоч уни эрта уйғотди.

- Тезроқ ювиниб, - таранинг, - деди шошилганча.

- Тинчликми?

- Одам келди, нозик меҳмон!

Меҳмонхонада ўтирган хурматли одамнинг аммаси экан...

* * *

Тўйи ҳам, синфдошлар учрашуви ҳам «Севилганлар хиёбони»да ўтди. Шаҳар аҳлида жўшқин таасуротлар қолдирди.

Икки ҳафтадан сўнг хиёбоннинг довуғини эшитган Омон Жаҳонгиров уларни табриклагани келди.

Ҳоким, Хосият, Ҳалима, Акмал ва Аваз уни бошлаб мажмуани роса айлантдиришди. Кафеда меҳмон қилишди. Ташқарига чиқишгач, Иномтўлат узоқдаги қирни кўрсатди.

- «Севилганлар хиёбони» ўша қирдан ажойиб кўринади.

Ҳокимнинг машинасида бориб, томоша қилишди. Ҳамманинг қалбини ҳайрат алангаси чулғаб олди. Хиёбон - жаннат боғчасига, энг муҳими, олинсан ошиқ-маъшукларнинг қайноқ юрагига ўхшиб кўринарди. Бинолар жойлашувини ҳарфларга қиёслаб тушунилса, БАХТ сўзи ўқилади. Ҳамма ҳайратда қолди, бир-бирини табриклайди.

Бойлик ота-боболардан қоладими, ишлаб топиладими, юртни обод қилишга, фаровонликка сарфлансагина қадрли, - деди Омон ака, шаҳарга қараб Ҳамманинг нигоҳини ўша томонга тортаркан. - Қани энди, Ватанимизнинг барча гўшаси ана шу хиёбонга ўлхасал!!!

Қалбларни юрт муҳаббати, Ватан ифтихори чулғиб, янги бунёдкорликка илҳомланттирар, боягина Омон Жаҳонгиров айтган гап қалбларга муҳрданиб борарди:

Инсон ҳаётининг мазмуни олдий ва буюк:
ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДИР!!!

Чортоқ, МУЧУМ кишлоғи,

2012 йил август.

Адабий-бадғий нашр

Бокки МНРЗО

ТИЛЛАФУРУШ

Роман

Учинчи китоб

КАЙТА НАШР

Муҳаррир: Нурбек АБДУЛЛАЕВ

Дизайнер: Абдулкаҳҳор ЙЎЛЧИЕВ

Тех.муҳаррир: Хошимжон ДАДАБОВ

Мусахҳих: Улғбек УМАРОВ

Теришга 05.11.2013 йилда берилди. Босишга

20.11.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84, 1/16. Шартли

босма тобоғи - 13,75. Нашриёт ҳисоб тобоғи - 13,75. Јoʻnta!

Ўзбек гарнитураси. Офсет усулида чоп этилди.

Алади 1000 нусха. № 589 сонли буюртма.

Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,

Навонӣ кўчаси, 36-уй

Китобнинг оригинал макети «ЗАКОВАТ» НАШРИЁТ
УЙИ МЧЖ босмахонасида офсет усулида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,
Чорбоғ кўчаси, 17-уй.